

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МILLIY KITOB PALATI



XASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

30 (136)-сон, 2006 йил 3 август

www.21asr.com

ҲАМКОРЛИК

САНОАТ

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

4 Қўшимча биоэнергия етказиб берадиган ушбу қурилма хитойлик олимнинг 20 йиллик изланишлари маҳсулидир





7 Босимни бир меъёрда ушлаб туришга мўлжалланган йирик компрессор станцияси МДХ мамлакатлари ичида ягона ҳисобланади



9 Уруш туфайли Яқин Шарқнинг банк ва савдо маркази — Ливан вайронага айланди



ОЗОД ВАТАН



Солиқ ЗСИР олган суратлар.

Истиқлол байрами арафасида юртимиз кўрксига-кўрк қўшидиган замонавий иншоотлар, равион йўллар, янги кўприклар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Буни биргина пойтахтимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Халқлар дўстлиги шох кўчаси, тўғривоғи, метронинг Чилонзор проспектида барпо этилаётган кўприк мустақиллик байрамига ажойиб тўёна бўлса, ажаб эмас. Айни кунда мазкур иншоотда "Тошавтойўқурилиши", "Кўприкйўқурилиши", "Махсусйўқурилиши", "Наманган кўприк-йўлларида фойдаланиш" бошқармаси, "9-темир-бетон заводи", "Тошияхарнур" каби ўнлаб қурилиш ташкилотлари жамоалари меҳнат қилмоқда. Кўприkning умумий узунлиги 374 метрни, эни 30 метрни ташкил қилади. Бу ерда олти қаторли қатнов йўли барпо этилмоқда. Иншоот фойдаланишга топширилгач, транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун катта қулайлик вужудга келиши шак-шубҳасиз.

Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитасида

Бажарилган ишлар таҳлили ва янги вазифалар режаси

Шу йил 1 август куни Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг ишчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ижроия қўмита ва партиянинг парламентдаги фракцияси аъзолари, марказий аппаратнинг масъул ходимлари, Ижроия қўмита ҳузуридаги Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш маркази вакиллари иштирок этдилар.

Ўз мухбиримиз

"Партия электорати билан ишлаш, унинг манфаатини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш борасида самарали ва таъсирчан ташвиқот-тарғибот тадбирларини ўтказиш, электорат муаммоларини аниқлаш ва уларни ҳал қилиш механизмларини ишлаб чиқишга қаратилган махсус партиявий тадбир — Хоразм, Сирдарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида ўтказилган партия раҳбарияти ҳамда депутатлик корпуси аъзоларининг тадбиркорлар ва фермерлар билан учрашуви ва бевосита мулоқотлари натижалари тўғрисида"ги биринчи масала юзасидан Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси раиси М.М.Тешабоев, Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш маркази раҳбари, Қонунчилик палатаси депутати А. Эрдонаев ва Ижроия қўмита аъзоси А. Абдуллаевлар ахбороти тингланди.

Унда таъкидландики, жойларда ўтказилаётган бундай тадбирлар партия фаолларининг мавжуд муаммолар, ечимини қутаётган масалаларга нисбатан аниқ муносабатини шакллантириш билан бирга уларни ўз жойида ҳал этиш имконини бermoқда.

Хоразм, Сирдарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида бўлиб ўтган учрашувларда ана шундай ҳулосага келинди. Бундан ташқари, партия электорати билан ишлаш, шу йўналишда БПТлар фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш, уларни турли адабиётлари, қўлланмалар билан таъминлаш ишлари қай даражада эканлиги учрашувларда яққолроқ кўзга ташланмоқда, бу партиянинг қуйи бўғинлари билан алоқасини яхшилашга қаратилган катта имкониятдир. Шунинг учун ҳам йиғилиш аъзолари ана шундай учрашувларни доимий ўтказиш, электорат манфаатини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашда бундай учрашувларнинг алоҳида ўрни борлигига эътибор қаратдилар.

Давоми 2-саҳифада.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, иқтисодийнинг бошқа соҳалари қатори нефть ва газ саноати ҳам барқарор ривожлана бошлади. Хом ашёни қазиб олиш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотни сотиш жараёнлари такомиллаштирилиб, дунёвий мезонларга мослаштирилди. Бунга ўз-ўзидан эришилгани йўқ, албатта. Президентимиз томонидан соҳа мутахассислари олдига нефть ва газ конденсати қазиб олишни кескин кўпайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни дунё стандартлари даражасига етказиш, тармоқнинг мустаҳкам хом ашё базасини яратиш, янги конлар ҳисобига углеводородлар, суюлтирилган газ захираларини кўпайтириш каби муҳим стратегик вазифалар қўйилган эди.

«Муборакнефтьга»:

Йиллар ва йўллар

Тармоқни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилганлиги туфайли 1995 йилга келиб, мамлакатимизда тўла нефть мустақиллигига эришилди. Бу борада "Муборакнефтьга" унитар шўъба корхонаси жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта. Мамлакатда қазиб олинаётган нефть, конденсат, табиий газнинг асосий қисми мазкур корхонага қарашли конлардан қазиб олинмоқда. Ҳозирда унинг тасарруфида 31 та кон мавжуд. Кўздумалок, Зеварда, Алан, Помук, Қултоқ, Уртабулоқ, Денгизқўл, Шимолий Уртабулоқ, Умид, Жанубий Кемачи, Муборак каби асосий конлардан қазиб олинаётган нефть, газ конденсати 1400 километрга чўзилган қувурлар орқали Муборак ва Бухоро газ-нефтни қайта ишлаш заводларига етказиб берилмоқда. Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида 1916958 миллион куб метр табиий газ, 146489 минг тонна нефть, 537730 минг тонна конденсат қазиб олинди, белгиланган режа орқали билан бажарилди. Қоровулбозор, Муборак нефть қўйиш эстакадаларида йиғилган хом ашё темир йўл орқали Фарғона нефтини қайта ишлаш корхонасига жўнатилаётир. Уртабулоқ, Денгизқўл конларидан қазиб олинаётган юқори олтингууртли газ маҳсулотини ҳам халқ ҳўжалиги учун қимматбаҳо хом ашё ҳисобланади.

Давоми 7-саҳифада.

Ягона мақсад атрофида бирлашган кучмиз

Илгари хабар қилинганидек, О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда унинг ҳузуридаги "Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази" жамоатчилик кенгашининг шу йил 4 июлдаги қўшма йиғилиши қарори ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилаётган тадбирларнинг навбатдагиси Сурхондарё вилоятида бўлиб ўтди. Унда О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.М. Тешабоев раҳбарлигидаги Ижроия қўмита аппаратининг бир гуруҳ масъул ходимлари иштирок этдилар.

Йиғилиш қатнашчилари тадбирнинг дастлабки куни вилоят "Автотехизмат" АЖга ташриф буюрдилар. Жамоа бошланғич партия ташкилоти

раиси Ж. Давлатов ўз сафига 61 аъзони бирлаштирган ташкилот фаолияти хусусида йиғилганларга атрофлича маълумот берди. Шундан сўнг АЖ

бошқаруви раиси, О'zLiDeP вилоят кенгаши аъзоси, халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашининг депутати Б. Шарипов корхона жамоасининг партия ташкилоти билан ҳамкорликда амалга ошираётган ишлари ҳақида гапирди.

Шу кун вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари, молия, банк, солиқ идоралари, маҳаллий бошқарув органлари масъул ходимлари ва бошқа мутасадди ташкилотлар раҳбарлари билан 150 нафардан зиёд тадбиркор ҳамда фермер иштирокида давра суҳбатини ташкил этилди.

Давоми 2-саҳифада.

МУНОСАБАТ



Ўзбекистонда фаолият юритаётган айрим хорижий ташкилотлар ишидаги «режали хатолар» хусусида

«Северсталь» янги уфқларни кўзламоқда



Россиянинг энг йирик металлургия корхоналаридан бири ҳисобланган «Северсталь» 2006 йил охири ва 2007 йил бошида Лондон фонд биржасида 1,5 миллиард доллар миқдордаги акциялар пакетини жойлаштиришга тайёргарлик кўрмоқда. Фарб ва Россия оммавий ахборот воситалари банк доираларидаги манбааларга таяниб, ана шу ҳақда хабар тарқатди.

Улар берган маълумотларга қараганда, камида 10 фоиз ҳажмдаги акциялар пакетини бирлаштириш иши билан учта инвестиция банки - Citigroup, Deutsche Bank ва UBS шуғулланади. Таъкидлашларича, Лондонда акцияларни жойлаштириш учун зарур бўлган барча тартиб-русувлардан ўтиш «Северсталь»га осон кўчади, чунки бунинг учун Европанинг Arcelor металлургия компанияси билан қўшилиш бўйича амалга ошмай қолган материаллардан фойдаланиш мумкин. Лондондаги листинг билан «Северсталь» инвесторларнинг диққат-эътиборига тушади. Ҳозирча эса, у бундай имкониятга эга эмас. Бундан аввал Магнитогорск металлургия компанияси ва «Северсталь»дан бошқа Россия металлургия тармоқининг барча етакчи корхоналари чет эл биржаларида ўз акцияларини жойлаштирган эдилар.

Нефтнинг нархи яна ошади



Шу йил 1 августдан нефтнинг жаҳон миқёсидаги нархи яна кўтарилди. Масалан, етакчи биржалар - InterContinental Exchange Futures (Лондон) ва New York Mercantile Exchange (Нью-Йорк) яқин ой мобайнида нефть етказиб бериш бўйича фьючерс нархлари куйидагича бўлди: IPE Brent Crude - 75,89 (+0,74) доллар/баррель; Light Sweet Crude Oil - 74,91 (+0,51) доллар/баррель.

Бугунги кунда ташқи бозорларда нефть нархининг кўтарилиши бензин ва табиий газ нархининг ўсиб бораётганлиги билан боғлиқдир. Айни пайтда Яқин Шарқда, шунингдек, нефть қазиб олувчи айрим мамлакатларда бекарор вазият сақланиб турганлиги боис нефть етказиб бериш камайиб кетишидан хавфсиз равиш борлиги ҳам нархнинг ўсиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Масалан, Исроил Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш юзасидан халқаро ҳамжамиятнинг куч-қайратини назар-писанд қилмаган ҳолда Ливаннинг жанубида ҳарбий операцияларни давом эттиришни кўзламоқда. Шунинг учун ҳам бозорда Ливаннинг яқин иттифоқчилари — Эрон ва Сурия жаҳон бозорига нефть экспорт қилишни кискартдилар, деган хавфсиз равиш ҳукмрон.

Узоқ ва яқин хорижда

| | | | | |
|---|---------------------------------|----------------------------|---------------------------|-----------------------------|
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 1 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/ | 1 Австралия доллари 940,30 | 1 Миср фунти 213,66 | 1 Польша злотийси 397,62 | 10 Жанубий Корея вони 12,85 |
| | 1 Англия фунт стерлинги 2288,48 | 1 Исландия крониси 16,94 | 1 СДР 1813,49 | 10 Япония иенаси 107,28 |
| | 1 Дания крониси 209,96 | 1 Канада доллари 1086,00 | 1 Туркия лираси 823,70 | 1 Россия рубли 45,65 |
| | 1 БАА дирҳами 334,01 | 1 Хитой юани 153,84 | 1 Швейцария франки 996,38 | 1 Украина гривнаси 242,92 |
| | 1 АҚШ доллари 1226,74 | 1 Малайзия ринггити 336,09 | 1 ЕВРО 1566,06 | |

ОДАМЛАР билан муомалада ўз фойдангни эмас, ўша одамларнинг фойдасини ўйла, ўзинг хақингда ўзинг эмас, сен хақингда улар нима фикр юритишини ўйла

МУНОСАБАТ

Коса тагидаги нимкоса

ёки Ўзбекистонда фаолият юритаётган айрим хорижий ташкилотлар ишидаги «режали хатолар» хусусида

Хар қандай андишанинг, хурмат ва иззат аталмиш. эътиборнинг ҳам чек-чегараси бор. Бу галги хулоса қатъий ва айна пайтда адолатли бўлди. Ўтган ҳафтада фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судида АҚШнинг "Винрок Интернешнл" ташкилоти фаолиятини батамом тўхтатиш хусусида қарор чиқарилди...

Ўзбек миллий энциклопедиясида "мунофиқлик" тушунчасига — сўзи билан иши бир-бирига тўғри келмаслик, носамимийлик, иккиюзламачиликни ифодаловчи салбий ахлоқий сифат, дея таъриф берилган. Гарчи бўлиб ўтган суд жараёнида фақат ва фақат қонунлар тили билан сўз юритилган, эҳтирослардан холи мулоҳазалар билдирилган бўлса-да, шу юртнинг бир фарзанди сифатида бизга нисбатан анчадин иккиюзламачиликлар қилинбди-да, деган фикр хаёлимиздан ўтганини яширмаймиз.

Умид АРСЛОНБЕКОВ

Қадимги юнон шоири ва файласуфи Лукреций Кар сариқ касалига чалинган бемор қаерга қарамасин, ҳамма нарса кўзига сариқ тусда кўринади, деган экан.

Айни пайтда "демократия" экспортини ўзларининг бирламчи мақсадларига айлантириб олган айрим давлатлар сиёсати хусусида сўз борганда, беихтиёр ана шу фикр эсга тушаверади.

Хақиқатан ҳам бугун дунёда демократия қадриятлари, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш ва таъминлаш масаласи ҳар қачонгидан ҳам ўткир ва долзарб бўлиб қолмоқда. Сабаби — фан-техника тараққиёти бораборида инсоният тафаккурида ҳам эркин фуқаролик жамияти қуриш, уни ҳаётнинг энг олий ҳилқати сифатида эъзозлаш каби либерал гоялар тобора катта аҳамият касб этмоқда. Бундай эзгу мақсадлар, қадриятлар мажмуи қатор халқларнинг, давлатларнинг дастуриямалига айланган.

Лекин, шу билан бирга, шундай давлатлар ҳам борки, улар учун демократия, инсон ҳуқуқлари, эркинлик каби тушунчалар нафақат қадрият, балки бошқалар устидан ҳукмронлик ўрнатилган қуролига айланган бўрмоқда. Бунга "демократик ўзгаришлар" сифатида баҳоланаётган рангли инқилоблар, Ироқ ва Афғонистондаги қирғинбаротлар ва мазкур мамлакатларда демократия "ўрнатилган" қадриятларнинг уриниш ёки бўлма-са, ўз манфаатларидан келиб чиқиб сиёсат олиб бораётган давлатларга нисбатан таъйин ва эъзравонликлар ўтказиш ҳолатлари мисол бўлиши мумкин.

Кейинги давр бу борадаги сиёсий хатти-ҳаракатлар янада нозиклашиб бораётганини кўрсатмоқда. Хусусан, Фарббаги баъзи сиёсатчиларнинг бу борадаги фаолиятига ана шундай бош бериш мумкин. Улар анъанавий ҳарбий қуроллар ишла-тиш йўлидан, бироз бўлса-да чекиниб, камхарж, айна пайтда ўзлари учун самарали йўллари танлаш бошладилар.

Ўзларига номақбул режими-ларни кам харажатлар эвазига ағдарилгани қатор йўллари, жумладан, фарбпараст нодавлат ноҳижорат ташкилотлар ёки ОАВни тузиш, Фарб ОАВ орқали маълум "нодемokratик ре-жим" аҳолиси кўз ўнгига ҳуку-матни тизимли тарзда об-рўсизлантириш, турли нуфузли ташкилотлар томонидан "демократик инқилоб" амалга оширилши режалаштирила-ётган давлатда "инсон ҳуқуқла-ри бузилаётгани", "матбуот эр-кинлигига хуруж қилинаётгани" тўғрисида резолюциялар қабул қилинишига эришиш, муҳоли-фатчи гуруҳлар ва "фуқаролик жамияти" фаолларини митинг-лар, намойишлар ўтказишига тайёрлаш, мамлакат ичида эса амалдаги ҳокимият тарафдор-ларининг ҳар қандай харакати-ни фалаж қилиб қўядиган пси-хологик вазиятни вужудга кел-тириш сингари "замонавий"

усуллар қўлланилмоқда-ки, бу айрим ҳудудларда ўз натижаси-ни ҳам берапти.

Энг асосийси — бундай ин-қилобларни жуда арзон ва деяр-ли "огриқсиз" йўл — маҳал-лий ёки гуманитар, ижтимоий-иқтисодий ёрдам бериш ваъда-си билан ўзлари очган нодав-лат ташкилотлар "қўл"и билан амалга оширишга уринилаяпти. Ўтган ҳафтада Фуқаролик иш-лари бўйича Тошкент шаҳар су-дида АҚШнинг "Винрок Интер-нешнл" ташкилоти устидан бўлиб ўтган суд жараёнида иш-тирок этган, бунга яна бир кар-ра амин бўлдик.

Ушбу ташкилот 1994 йилда "руйхатга" олинган бўлиб, таъси-с ҳужжатларида кўрсатилганидек, мамлакатимизда USAIDнинг "Фермерга-фермер" дастури доирасида иш олиб бориши кўзда тутилган эди. Дастури-нинг мақсади фермерларга ҳосилдор-ликни кўпайтиришда кўмакла-шиш, волонтерлар ёрдамида мар-кетинг ишларини олиб бо-риш, маҳаллий сувдан фойдала-нувчилар ассоциацияларини ри-вожлантиришга кўмаклашиш эди. Бироқ "Винрок Интернешнл" ва-колатхонаси тўғрисида 1999 йилдан 2003 йилгача Ўзбекистонда аёл-лар фаолият юритган ННТларни ри-вожлантиришга кўмаклашиш ин-теграллашган ҳуқуқий саводхонли-ги" лойиҳасини амалга ошириш-га киришди. Мазкур лойиҳа до-ирасида 108 нафар профессио-нал тренерлар тайёрлаб, улар ёр-дамида турли семинарлар ўтказ-ди. Асосий эътибор аёллар ва ёш-ларгагина қаратилди. Бу ишлар учун 183 минг АҚШ доллари миқ-дада маблағ сарфланди. Аёл-лар ҳуқуқини ҳимоя қилишга ба-ғишланган нодавлат ташкилот-ларнинг 350 нафар фаоллари ва ай-рим мансабдор шахслар иш-тирокда минтақавий форумлар у-шотирилди. Энг қизиқарлиши шун-даки, ана шу семинар ва тре-нингларда Украина ва Қирғизис-тондан экспертлар таклиф эти-либ, 59 нафар аёлнинг хорижий ин-сон ҳуқуқларини ўрганиш учун Россия ва Украинага таш-рифи молиявий жиҳатдан таъ-минланди. Аммо улар орасида бир-онта ҳам кишлоқ ҳўжалигига алоқадор киши йўқ эди...

Бундан ташқари, "Винрок Ин-тернешнл"да фаолият юритган жаноблар ўз мақсад ва вазифала-рига зид тарзда ноқонуний равиш-да 4500 нусха ўзбек тилида ва 1500 нусха рус тилида "Менинг ҳуқуқларим" номли китобларни, 300 нусхада "Ислому ва аёл", 150 нусхада "Маҳаллий қонуний ҳимоя" ҳамда "Аёллар — фуқаро-лик жамиятининг кўтарилиши" номли рисоаларни ҳам чоп этиб тарқатишга улгурдилар. Ўзбеки-стон Матбуот ва ахборот агентли-ги мутахассисларининг хулосала-ри эса "Винрок Интернешнл" ке-ракли лицензиясиз нашрий фа-олият билан, шунингдек, нашрий маҳсулотни тарқатиш билан шу-рланганлигини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари "Ислому ва аёл" асарини чоп этишда эса шундай хатоларга йўл қўйилганки, беих-тиёр бу саводсизликми ёхуд атайлаб танланган йўлни, дегин-ки лебди. Барно Валиева қаламига



У. ЮСЎПОВ КОЛЛЕЖИ

мансуб ана шу китобда, ҳатто Пай-ғамбаримизнинг шахсияти ва ҳаётига оид нотўғри фикрлар баён этилади, Ислому таълимот-лари бузиб қўрсатилади. Бир ўрида Куръони Каримнинг но-зил бўлиши ва унинг аҳамияти нотўғри талқин этилса, бошқа бир жойда миллий қадриятлар камситилиб, тарихий саналар но-тўғри кўрсатилади. Хўш, бундай хатолар замирида қандай мақсад-лар ётибди?

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқ-даки, ташкилот бу билан ҳам чекланиб қолмаган. Каттагина маблағлар эвазига "Армонли дунё", "Аёл қисмати", "Қорақал-поқча ажраллиш" номли видео-фильмлар, "Орзу дарахти гул-лаганда", "Ой сўзи ўшар вой-га", "Бахт излаган аёл" номли ҳужжатли фильмлар суратга олинган. Энди бир тасаввур қилиб кўрайлик: агар ана шу фильмлар уларнинг ўз юртида-да ҳеч қандай руксатсиз ишлаб чиқарилса, ҳоласининг уйида юргандек хоҳлаган кишига тар-қатилса, қандай қоралар белги-ларнинг, қанчалар жаримлар тўлнанди?... Нуфузли ташки-лотнинг "Кино видео маҳсулот-ларини ишлаб чиқариш, дубляж қилиш, кўпайтириш ва намойиш этиш тўғрисида"ги барча тартиб-қоидаларни поймол қилгани яна бир қарра сизу бизнинг ишо-нувчанлигимиздан далолатдир. Ўзбекистонни ёмонотлик қилишгагина қаратилган бундай "ижод" намуналари билан та-нишган ҳар қандай киши беих-тиёр ёқа ушлайди. Юқорида номлари тилга олинган фильм-ларнинг мавзу ва моҳияти ки-мларнингдир узоқни кўзланган бюортмаси асосида танлангани-ни илғаш учун валломат кино-шунос бўлиш шарт эмас.

Акс ҳолда улар инглиз ти-лидаги ёзувлар билан тўлдир-илмаган бўларди...

Бундан шу нарса аёнки, ҳар-бий ва иқтисодий масалаларда кучи етмаётган айрим доира-лар, маънавий-мафқуравий со-ҳага "урғу" бермоқчилар. Улар эътиборни кўпроқ оилада бола тарбияси билан машғул аёллар ва энг катта бойлигимиз бўлиш ёшларни турли ниқоблар, би-ринчи гада "сўз ва фикр эр-кинлиги", "инсон ва жамият эр-кинлиги" деган ниқоблар ости-да чалғитишга, улар онгига ўз мафқурасини сингдиришга, минг йиллик ва азалий муқад-дас қадриятларимизни қора-

1994 йили Ўзбекистонда ўз фаолиятини бошлаган ва USAIDнинг "Фермерга-фермер" дастури доирасида ишлаши лозим бўлган АҚШнинг "Винрок Интернешнл" ташкилоти ўтган 12 йиллик фаолияти давомида аёллар ва ёшлардан иборат гуруҳлар тузиб, улар учун 183 минг АҚШ доллари миқдоридида маблағ сарфлади, профессионал тренерлар тайёрлаб, хотин-қизлар учун махсус семинарлар ўтказди, ўнлаб опа-сингилларимизни эса хорижга кишлоқ ҳўжалиги соҳасини эмас, балки "инсон ҳуқуқларини" ўрганишга юборди...

лаш орқали ўз ҳаёт тарзлари-ни устун қўйишга уринмоқда-лар. Табиийки, инсоннинг қал-би ва онги захарланса, уни со-ғлом ҳаётга қайтариш оғир ке-чади. Юртбошимиз таъкидла-ганларидек, "фикр қарамлиги, тафаккур куллиги ҳар қандай сиёсий ёки иқтисодий қара-мликдан кўра дахшатлироқдир".

"Винрок Интернешнл" фа-олиятини ўрганар эканмиз, беш бармоқ баробар эмас, деган ақиданинг нечоғлик тўғри экан-лигига ҳам амин бўлдик. Хусу-сан, Япониянинг Жайка, Жану-бийи Кореянинг КОИКА ННТла-рини олайлик. Зеро, дунёнинг қатор мамлакатларида, жумла-дан, Ўзбекистонда ҳам гумани-тар, ижтимоий-иқтисодий ёрдам, турли дастурларни молиялаш билан шуғулланаётган мазкур ташкилотлар фаолияти ҳақида нега ёмон фикрлар эшитмай-миз? Чунки улар олий мақсад-ни қора манфаатлар пардасига ўрамаётдилар. Покиза туйғула-ри, ўзлари танлаган тўғри йўлни иккиюзламачиликка айлантирилди. Шунга яраша обрў ва эътибор топмоқдалар ҳам.

Биз мақолани тайёрлаш жа-раёнида унга вақтинчалик "Адашганлар" дея сарлавҳа қўймоқчи эдик. Адашган экан-миз. "Винрок Интернешнл"га ўшаган ташкилотлар хатосини адошишга йўйиш соддалик бўлу-р эди. Бу атайин танланган, ман-фаатлар ниқобига ўралган мақ-саддан бошқа нарса эмас. Акс ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қатъий та-лабига қарамай, "Винрок Интер-нешнл" Ўзбекистонда кишлоқ ҳўжалигини ри-вожлантиришга сарфланган пул маблағлари тўғрисидаги маълумотни эълон қилишдан бош тортмаган, ҳар бир ва алоҳида дастурларнинг амалга оширилиши учун сарф-

бериш билан шуғулланади. Бу-гун эса ҳеч бир иккиланшсиз айтиш мумкинки, мазкур ташки-лот давлатларга демократик жа-раёнларни тезлаштириш, ис-лохотларни амалга оширишда ёрдам бериш, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш шир-лари билан ўзининг асл муд-даосини яширишга уринмоқда. Лекин сўнгги йилларда юз бе-раётган воқеалар, USAID бошчи-лигидаги ташкилотларнинг кенг қўламдаги ислохотларга ёрдам бериш ўрнига минтақалардаги ўзларининг маълум бир страте-гик мақсадлари бор раҳнамола-ри етказиб бераётган маблағлар эвазига тинчлик ва барқарорлик-ни йўққа чиқаришга уринаётган-ларини пайқаш қийин бўлмай қолди. Дунёни ўргинчак тўри-дек ўраб олишга уринаётган USAID каби Америка ННТлари ўтиш даврида аҳолининг оғири-ни энгил қилиш йўлидан эмас, аксинча ҳукуматларнинг ички ва ташқи сиёсатида аралашиб, шу билан бирга битта давлатни ик-кинчисига қарши қўйиш йўли-дан бормоқда.

Шу кунларда "Винрок Интер-нешнл" ва бошқа баъзи ННТлар-нинг Қозғистонда ҳам ноқону-ний хатти-ҳаракатларга қўл ўр-гани ошқор бўлиб қолди. Қозғис-тон Бош прокуратураси матбу-от хизмати хабар беришича, Кишлоқ ҳўжалигини ри-вожлан-тириш халқаро институти ("Вин-рок Интернешнл") гуманитар фа-олият билан шуғулланиши керак бўлгани ҳолда, деярли тадбир-корлик соҳасида иш юритган. Ху-сусан, 1999 йилдан 2001 йилга-ча республика Миллий банки руҳсатисиз қозғок жамоат фон-дларига 180 млн. танга миқдори-

ННТлари Россияга ҳам катта маблағлар олиб киришга, собиқ бош вазир Михаил Касьянов бошчилигидаги фарбпараст ки-шиларни қўллаб-қувватлашга, ҳатто ҳукуматнинг айрим амал-дорларини президентга қарши қўйишга уринмоқдалар. Бироқ расмий Москванинг тезкор чо-ралари, ОАВ устидан баъзи олигархлар назоратини барта-раф этиши, нодавлат ташкилот-ларга ажратилаётган хорижий маблағлар устидан давлат назо-ратини кучайтириши АҚШ ва европадагиларни жиддий таш-вишга солиб қўйди.

ННТлар ва демократия экс-порти ҳақида гапирганда биз барибир Сербия, Украина, Гру-зиядаги рангли инқилоблар, Яқин Шарқ, Ироқ ва Афғонис-тон воқеаларига мурожаат қил-масдан илоҳимиз йўқ. Бу мам-лакатларда демократияни жорий этиш жараёнларини суъий тез-лаштиришга уриниш ҳалокатли оқибатларга олиб келганга бу-тун дунё гувоҳ бўлиб турибди.

Pew Research ўтказган сўров натижаларининг кўрсатишича, Буш маъмурияти олиб бораёт-ган сиёсат Американинг обрўси-ни тушириб юборди. Куба, Аф-ғонистон ва Ироқдаги қамқоқ-налар, Европадаги махфий тур-малар, маҳбусларга нисбатан жорий этилган мунтазам қийноқ-лар, маҳбуслар сўроқ қилиш учун бошқа давлатга бериб юбо-рилиши, давлатларни уларнинг ташқи сиёсати АҚШ манфаат-ларига хизмат қилишига қараб "яхши" ва "ёмон"га бўлиш сиё-сати бугун АҚШнинг бутун ду-нёда демократия тарғиб қили-шини қийинлаштирапти. Кар-иёғи маркази эгитишича, АҚШ совуқ уруш тугатганидан кейин фарбий дунёнинг маънавий етак-чиси деган номдан маҳрум бўлди. Унинг фақат ўз манфа-атларини ҳисобга олиши, бош-қалар билан ҳисоблашмаслиги, худбинлик сиёсати дунёда Аме-рика сиёсатида бўлган норози-ликни кучайтириб юборди. 1998 йилда инглизларнинг 59 ва немисларнинг 61 фоизи АҚШ-ни инсон ҳуқуқларини илгә-ри суришда ижобий роль ўйна-ганини таъкидлаган бўлса, бу-гунги кунга келиб инглизлар-нинг 39, немисларнинг 16 фо-изигина улар тутган йўлни маъ-қулламақда, холос.

Дарҳақиқат, халқаро муноса-батларни ҳар қандай воситалар билан ўзгалар устидан ҳукмрон-лик ўрнатиш қоидаларига асос-лаб олган Вашингтон сиёсатчи-лари учун демократия ва инсон ҳуқуқлари жуда қулай ниқоб бўлиб хизмат қилаётганини, бир дақиқа бўлса-да, унутмаслик ло-зим. Шу маънода эркин фуқаро-лик жамиятини барпо этишда муҳим роль ўйнайдиган ННТлар фаолиятини ҳам устмонлик бил-лан АҚШ ташқи сиёсатига бўйсундиришга уринаётганлари беҳиж эмас. Мана шундай шаро-итда қонунийлигимизни четлаб ўтадиган бузғунчи ташкилотлар фаолияти назорат остига олин-ди. Қатор ННТлар, жумладан, "Винрок Интернешнл" фаолияти ўз Низомида кўрсатилган мақсад-лар билан бирга қонунига зид иш-лар олиб бораётгани учун тўхта-тилди. Шу билан бирга мамла-катимизда ННТлар том маънода жа-мият билан давлат ўртасида кўпроқ бўлиши учун кенг қўла-ми ишлар олиб борилмоқда. ННТларнинг фақат жамиятимиз мафқуралига хизмат қилишига эришиш учун амалга оширила-ётган чора-тадбирлар демократия режими сёрларини ташвишга со-лаётгани бор гап. Уларнинг бу-тун имкониятларини сафарбар этиб, ўз тараққиёт йўлини тан-лаган давлатларга қарши аҳо-лироқ уруши эълон қилишлари, фаолияти тўхтатилаётган ташки-лотларга нисбатан харакатларни салбий ҳолат сифатида баҳолаш орқали дунё жамоатчилиги ол-дида мустқил давлатларни об-рўсизлантиришга уринишлари-нинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бу эса яна бир қарра бизларни оғоҳликка ундаб, юрт тинчлиги, халқ мафқура ва Ватанимиз ра-ванки йўлида муроосасиз курашга доимо тайёр туришимиз керак-чилигини англайди.

ҲАМКОРЛИК

ҲАЁТДАГИ бирдан-бир бахт,
бу - доимо тараққиётга
интилиш

Биоэнергия — тараққиёт омили

Тошкент туманида Хитойдан келтирилган янги қурилманнинг тақдирот маросими бўлиб ўтди. Профессор У Жао Ли йиғилганларга унинг афзалликларини атрафлича тушунтириб берди.

■ Темур АБДУРАҲМОНОВ, «XXI asr» мухбири

Илм-фан ўта тараққий этган замонамизда бирон-бир янгилик яратиб, одамларни лол қолдириш осон эмас. Коинотда минглаб сунъий йўлдошлар учиб юрган, уларга ўрнатилган техника воситалари орқали ер юзининг ҳар бир нуқтасидаги табиий ҳолатлар, юз бераётган ўзгаришлар хусусида маълумот юборилаётган бир пайтда оддий бир усулда биологик газ ишлаб чиқариш ёки унчалик мураккаб бўлмаган қурилмадан фойдаланиб, ёруғлик манбаига эга бўлиш, замонавий қилиб айтганда, "сенсация" эмас. Аммо...

Яқинда пойтахт вилоятининг Тошкент туманидаги "Фулуммаҳмуд Барака" агрофирмасига қарашли чорвачилик фермасида хитой технологиясига асосланган "Биоэнергия" қурилмаси ишга туширилди. Маросимда тегишли ташкилот раҳбарлари, қишлоқ ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, мутахассис ва олимлар иштирок этдилар. Хитой халқ Республикасида бир неча йиллардан бери қўлланилиб келинаётган қурилма муаллифи, "Нефер" фирмаси раҳбари профессор У Жао Ли тадбир қатнашчиларига "биоэнергия"нинг афзалликларини ҳақида гапириб берди.

— Ушбу қурилмани нафа-

қат биз, балки хитойликларнинг ўзлари ҳам ҳақиқий мўъжиза, деб баҳоламоқдалар, — дейди туман ҳокими, O'zLiDeP вилоят кенгашининг аъзоси Сайфулла Темиров. — Икки ой муқаддам Хитой Халқ Республикасида хизмат сафарига бўлганимда, унга жуда қизиқиб қолдим. Аслида унчалик мураккаб бўлмаган, лекин қишлоқ шароитида фойдаланиш учун қулай эканлиги менда қизиқиб қолдим. Шу боис, қурилма муаллифини излаб топдим. У билан яқиндан танишиб, юртимизга таклиф этдим.

Сайфулла аканинг таъриф беришича, ушбу қурилма хитойлик олимнинг 20 йиллик изланишлари самараси экан. Ундан мутахассис бўлмаган одам ҳам бемалол фойдаланаверади. Арзонлиги, энг муҳими, экологик жиҳатдан тоза ва ҳар қандай шароитда ҳам бемалол ишлатиш мумкинлиги, айниқса, диққатга сазовордир.

Унинг икки хил варианты бўлиб, биринчиси шарсимон шаклда. Сифими 5 куб метр. Иккинчиси эса 10 куб метр сифимга эга бўлиб, уларда чорва чиқинди — гўнж жамланади. Қурилма ичидаги гўнжда вақт ўтиши билан биогаз пуфакчалари йиғилиб боради. Ҳосил бўлган табиий газ технологик воситалар ва



резина шланг орқали тортиб олинади. Энг муҳими — бунинг учун ҳеч қандай энергия сарфланмайди. У кунига 2 куб метр табиий газ етказиб бериш қувватига эга. Бунинг учун борини 20 кг. гўнж кифоя, холос. Шунча миқдордаги газ бир хонадоннинг ўртача бир кунлик эҳтиёжини қондира олади. Қурилма маҳсулус печидан овқат пиширидан ташқари, 60 ваттлик учта лампочкани ҳам ёндириш мумкин. Фойдаланиб бўлган гўнж эса биогумус сифатида ерга солинади. Хитойда ушбу чиқинди балиқларга ҳам берилар экан.

— Айни пайтда Хитойда 20 млн. дон шундай қурилма ишлатилаяпти, — дейди Сайфулла ака. — Бу технологиядан ҳар бир чорвачилик фермаси, фермер хўжаликлари, ҳали табиий газ

етиб бормаган тоғли ва чўл худудларида фойдаланилиши жуда катта иқтисодий самара беради.

— Нархи-чи?
— Агар масала ҳукумат даражасида ҳал этилса, ўртача 500 минг сўм атрофида бўлади.

— Демак, янгиликни бутун республикага жорий этиш мумкин экан-да...

— Албатта. Яқинда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан барча шаҳар ва туман ҳокимлари бошчилигида қорхона ҳамда ташкилот раҳбарлари, мутахассислар келиб, янгиликни ўрганиб кетишди. Махсус газ плитасида қайнатилган чойдан табиий қурилди. Электр қувватида ёнган лампочкалар ёруғидан баҳраманд бўлишди.


Партия фаоли Хитой саноатидан ҳали биз учун нотаниш бўлган яна бир янгиликни олиб келди. Буниси

ҳам "Биоэнергия"дан сира қолишмайди. Ушбу технология йўлга қўйилса, қишда теплица, яъни иссиқхоналар учун газга ҳам, бошқа ёқилғига ҳам эҳтиёж қолмайди.

— Хитойликлар буни "Со-вуқ иссиқхона" деб аташаркан, — дейди Сайфулла Темиров. — Унинг технологияси ҳам жуда содда. Фақат озгина кунт ва ҳафсала керак, холос.

Айни пайтда тумандаги "Навий миришкор" агрофирмаси худудига жойлашган Абдурахим Шоалимов раҳбарлигидаги фермер хўжалигида хитойча, яъни "иситилмайдиган иссиқхона" қурилмоқда. Бу янгиликнинг кенг жорий этилиши натижасида эса, мамлакатимизда қанчадан-қанча ёқилғи ресурсларини тежаб қолинишини тасаввур этиш қийин эмас...

Мулкдор манфаатини кўзлаб



O'zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши "Сиёсий таълим маркази"да партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда унинг ҳузурдаги "Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш маркази" жамоатчилиги кенгашининг қўшма йиғилиши қарорларини амалга оширишга бағишланган навбатдаги йиғилиш бўлиб ўтди.

■ Зулфия ПҮЛАТОВА, Асхор ИСТАМОВ, «XXI asr» мухбирлари



Унда партия вилоят, "Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш маркази" жамоатчилиги кенгашларининг аъзолари, шаҳар, туман кенгашлари раислари ва ўринбосарлари, хусусий тадбиркорлар, ишлаб чиқариш қорхоналари раҳбарлари, фермерлар ва партия фаоллари иштирок этдилар.

Кун тартибидаги асосий масала — «O'zLiDePнинг ўз электорати билан ишлаш ҳамда тадбиркорлик, кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш борасидаги дастурий вазифалари бажарилишининг бугунги ҳолати ва навбатдаги вазифалари тўғрисида» партия вилоят кенгаши раиси Мансур Зокиров маърузаси тингланди.

Йиғилишда тадбиркор ва ишбилармонларнинг амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларда фаол қатнашаётганликлари, 24189 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 22758 та янги иш ўринлари яратилганлиги, кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши 44,1 фоизга етказилгани алоҳида таъкидланди. Эндиги асосий вазифа эса эришилган ютуқлар билан чекланмай, бу борада истиқболли режаларни белгилаб, изчил амалга оширишдан иборатдир.

Тадбирда сўзга чиққан партия вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Фармон Аминов, "Ёшлар қаноти" раҳбари Исmoil Мирзаев, "Маънавият ва маърифат" маркази вилоят бўлими раҳбари, фалсафа фанлари номзоди Ортиқ Вафоев, Пешку туманидаги "Фаттоев" фермер хўжалиги бошлиги, Олий Мажлис Сенати аъзоси Ёқуб Фаттоев ва бошқалар муҳокама этилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият юритишлари учун кўплаб қулайликлар яратилган.

Президентимиз томонидан қабул қилинаётган фармон ва қарорлар эса бу борада ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Хўжалик судида кўрилгач...

■ Гулнора АБДУКАРИМОВА, Самарқанд вилоят хўжалик суди судьяси

Самарқанд вилоят хўжалик судида молиявий жарима қўллашга оид аризалар юзасидан ўзига хос тажриба йўлга қўйилган. Яъни тегишли суд мажлиси жавобгарнинг молия хўжалик фаолиятини текшириш далолатномаси тузилган кундан бир ой мuddат ўтгандан кейингина тайинланади. Бу, шубҳасиз, ўз самарасини бермоқда.

Масалан, яқинда Самарқанд шаҳар солиқ инспекцияси "Нилуфар гуллари" масъулияти чекланган жамиятига нисбатан 2 434 700 сўм молиявий жарима қўллашга сўраб, судга мурожаат қилган эди. Аммо МЧЖ суд муҳокамасига қадар мажбурий тўлов ва барча устама суммаларни тўлади. Натижада Президентимизнинг 2005 йил 24 июндаги "Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини эркинлаштириш тўғрисида"ги Фармони-га биноан, суд солиқ инспекцияси талабини рад этди. Тадбиркор ҳуқуқи ҳимоя қилинди.

Бундан чиқадиган хулоса шуки, мулк эгаларининг ўз ҳақ-ҳуқуқларини пухта билишлари ва қонуний ҳужжатларга қатъий амал қилишлари давлат манфаатларига мос келибгина қолмай, уларнинг эркин фаолият юритишлари учун ҳам муҳим кафолат бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

Мамлакатимизда рўй бераётган демократик ўзгаришлар аҳоли кенг қатлами, жумладан, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Эндиликда аёл нафақат хонадон чирого, саришта уй бекаси, она ва мураббий, балки етук мутахассис, таниқли оlima ва сиёсатчи ҳамдир.

Мустақиллик — бу ҳуқуқдир

■ Феруза ЭГАМОВА

Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан хотин-қизларга кўрсатилаётган катта ғамхўрлик, уларнинг имкониятларини рўйбга чиқаришга, оналик ва болаликни, аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган фармон ва қарорлар бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси, O'zLiDeP шаҳар кенгаши ва пойтахт ҳокимияти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мустақиллик берган имкониятлар, унинг халқимиз ва мамлакатимиз тақдирдаги ўрни ҳамда аҳамияти ҳақида фикр юритилди, аҳоли ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган ишлар таҳлил қилинди. O'zLiDeP шаҳар кенгаши раиси ўринбосари, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бўлим бошлиги Гулнора Иномжонова ўз сўзида, жумладан, шундай деди:

— Биз ҳуқуқий-демократик жамият қуриш йўлидан борарканмиз, бунинг учун, биринчи навбатда, фуқароларнинг сиёсий онгини оширишга жиддий эътибор қаратишимиз лозим. Ҳар бир кишининг ўз ҳақ-ҳуқуқини пухта билиши ва унга қатъий амал қилиши алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, мустақиллик, бу, аввало, ҳуқуқ демократ.

Ўзбекистон Конституциясида мустаҳкамланган инсонпарварлик тамойили бугунги кунда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Хусусан, Президентимизнинг жиноят қонунчилигини ўлим жазосини чиқариб ташлаш тўғрисидаги Фармони жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётгани бежиз эмас. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан ўтказилган ушбу анжуманда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни жадаллаштириш юзасидан турли таклифлар ўртага ташланди, муҳим мулоҳазалар баён қилинди.

Ўтган ҳафтада O'zLiDeP Андижон вилоят кенгашида Фарғона водийсида фаолият кўрсатаётган фермерлар уюшмалари билан ҳамкорликда семинар ўтказилди. Унда минтақа фермерлари, уруғчилик билан шуғулланаётган тадбиркорлар муаммолари атрафлича муҳокама қилинди.

Сара уруғ — ҳосил бўлиқ

■ Аъзам ҚОДИРОВ

Анжуман ташкилотчиси — АУДТ (Андижон уруғчилигини дунёга танитиш) фирмаси бош директори, "Зироат" минтақалараро ўсимликшунослар ассоциациясининг раиси, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси Қ. Каримов йиғилганларга ўз тажрибаси ҳақида атрафлича сўзлаб берди.

Анжуманда сўзга чиққан республика Фермерлар уюшмасининг бўлим мудири М. Йўлдошев, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Г. Матвеев, Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари фермерлар уюшмаларининг раислари У. Латтидинов, С. Хатамов, Р. Хусанов ва бошқалар соҳани илмий асосда ривожлантириш, деҳқонларга сара уруғ етказиб бериш, сақлаш, экиш, зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Анжуман иштирокчилари АУДТ фирмасига қарашли гул дўконлари, тажриба участкалари билан танишдилар.

КИМОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ

Ўзбекистон Банклар ассоциацияси аукцион савдоларини ташкил этиш агентлигининг Сурхондарё филиали 2006 йил 4-5-6 сентябрь кунлари ўтказиладиган навбатдаги кимошди савдосига Сурхондарё вилоят суд бошқарувчиси томонидан қўйилган Қумқурғон туман 1-сон механизациялашган қўшма колоннасига қарашли қуйидаги мулкларни савдога қўйди.


- 1-таъмирлаш устaxonаси.
- Бошланғич нархи — 2 млн. 860 минг 622 сўм.**
- 1-темир-бетон бостирмаси.
- Бошланғич нархи — 3 млн. 348 минг 179 сўм.**
- Омборхона биноси.
- Бошланғич нархи — 13 млн. 506 минг 144 сўм.**
- 2-таъмирлаш устaxonаси.
- Бошланғич нархи — 11 млн. 604 минг 105 сўм.**
- Таъмирлаш устaxonаси.
- Бошланғич нархи — 22 млн. 773 минг 293 сўм.**
- Темир-бетон бостирма.
- Бошланғич нархи — 8 млн. 305 минг 497 сўм.**
- Автомобилларни сақлаш биноси.
- Бошланғич нархи — 954073 сўм.**
- Қоровулхона.
- Бошланғич нархи — 490368 сўм.**
- 1-оператор биноси.
- Бошланғич нархи — 475708 сўм.**
- 2-оператор биноси.
- Бошланғич нархи — 405325 сўм.**
- Аккумулятор цехи.
- Бошланғич нархи — 4 млн. 678 минг 581 сўм.**
- Темир-бетон девори.
- Бошланғич нархи — 3 млн. 643 минг 823 сўм.**

Харидорлар савдо бошланишидан уч кун олдин УБМ Сурхондарё филиали аукцион савдоларини ташкил этиш агентлиги ҳисоб рақамига мулк бошланғич нархининг 10 фоизи миқдорда гаров пули тўлашлари шарт. Х/р 20208000404277899010, "Ипотека" банк Термиз шаҳар бўлими, МФО 00356.

Мурожаат учун манзил: Термиз шаҳри, Тадбиркорлар маркази биноси, 2-қават, 10-хона. Телефонлар: 222-81-09, 226-53-21.



МАХАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИ ХУДУДИДА 60 НАФАРГА ЯҚИН ТАДБИРКОР ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТИР. УМУМЙ ОВҚАТЛАНИШ ШОХОБЧАЛАРИ, ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ТАЪМИРЛАНДИГАН УСТАХОНА...



О'ZLIDER ФОЯЛАРИНИ ЁШЛАР ЎРТАСИДА КЕНГ ТАРғИБ ҚИЛИШДА "ИШБИЛАРМОН ЎҚУВЧИ" КЎРИК-ТАНЛОВЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ КАТТА БЎЛАЁТИР.



БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

ХАЁТНИНГ ЭНГ КАТТА ҚУВОНЧИ ЎЗИНГНИ ОДАМЛАРГА ЯҚИН ВА КЕРАКЛИ ДЕБ БИЛИШИНГДИР

Маҳалла — Ватан ичра ватан



— Сафимизда бўлишни истаган киши ёши, касби, миллатидан қатъий назар, юртимиз келажаги учун ўзини масъул, деб билиши лозим, — дейди Бўри Султонов. — Бошланғич ташкилотимиз аъзолари ана шу ақидага қатъий амал қилган ҳолда иш олиб бораётдилар. Зеро, гоё ва мақсадлар муштарак бўлган жойдагина изланишларга йўл очилаверади.

кор фаолият кўрсатаётир. Сартарошхона, умумий овқатланиш шохобчалари, транспорт воситалари таъмирланадиган устахона мижозлар хизматида. Маҳаллада патдўзлик ва зардўзлик билан шуғулланадиган аёллар кўпчиликини ташкил этади. Уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилиб, эркин фаолият юри-

Бухоролик маслақдошлар эл оғирини енгил, узоғини яқин қилишни биринчи галдаги вазифа деб билмоқдалар

тишлари учун зарур шарт-шароит яратилмоқда. Ўз навбатида маҳалла тадбиркорлари ҳам савоб ишлардан четда қолишаётгани йўқ.

Масалан, Хўжа Нуробод кўчасида истиқомат қилувчи мулкдор Бибиражаб Аҳмедова Курбон хайити арафасида кам таъминланган ва ижтимоий химояга муҳтож 40 нафар маҳалладошига моддий ёрдам кўрсатди. Наима Шарипова, Роберт Альмеев ҳақида ҳам ана шундай сўзларни айтиш мумкин.

Маҳалла миқёсида ўтказиладиган бирор-бир тадбир йўқки, уларнинг ҳиссаси қўшилмаган бўлсин. Халқимизга хос бағрикенглик, саховатпешалик каби фазилатлар маҳалла ишбошлари ва О'zLiDeP аъзолари томонидан ташкил этиладиган катта-кичик тадбирлар давомда кўзга яққол ташланиб туради. Мустақиллик ва Наврўз шодиёналари, Хотира ва Қадрлаш куни, қолаверса, Янги йил маҳаллада ўзига хос тарзда нишонланади.

Мустақиллик барча қатори Бухоронинг эски шаҳар қисмида жойлашган чоғроққина маҳалла аҳолиси учун ҳам кенг имконият эшикларини очди. Бу, энг аввало, миллий анъана ва қадриятларимиз қайта тикланаётганида яққол намоён бўлмоқда. Маҳалла ҳудудидаги кўчаларнинг анъанавий номлари қайта тикланди. Ваҳоланки, яқин йилларгача улар Первомайская, Горсоветская, Коммунар, Историческая деб аталарди. Бу борада Бўри Султонов етакчилигидаги маслақдошларнинг хизматини алоҳида таъкидлаш жоиз. Савоб иш эса, одамларни бир-бирига яқинлаштириб, эзгу амалларга йўл очаверади.

ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИ МОБАЙНИДА МАХАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИ ВА ҲОМИЙ ТАШКИЛОТЛАР САБЪ-ҲАРАКАТИ БИЛАН ҚАНДАЙ ХАЙРЛИ ВА САВОБ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛГАН БЎЛСА, ШАК-ШУБҲАСИЗ, УЛАРНИНГ БОШИДА ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ ТУРИШИБДИ.

■ Асхор ИСТАМОВ, «XXI asr» мухбири

Бу — шунчаки баланд-парвоз гаплар эмас. Мана, икки йилдирки, Алишер Навоий номили маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти аҳоли билан ҳамжиҳатликда яхши натижаларга эришмоқда. Айни пайтда маҳалла ҳудудида 679 та оила истиқомат қилади. Партия фаоллари ҳар бир хонадондан тез-тез хабар олиб, муҳтожларга имкон қадар ёрдам кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Маҳаллий аҳоли бундан беҳад мамнун. О'zLiDeP Дастурида таъкидланганидек: "Партия аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини, нафақахўрлар, айниқса ногиронларни аниқ йўналтирилган химоя ва ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг амалий тизимини шакллантиришни ўз сиёсий фаолиятининг бош вазифаларидан бири, деб ҳисоблайди". Бухоролик маслақдошлар ана шу тамойилдан келиб чиқиб, эл юкига елка туттишмоқда. Йилнинг ўтган даври мобайнида маҳалла фуқаролар йиғини ва

ҳомий ташкилотлар сабъ-ҳаракати билан қандай хайрли ва савоб ишлар амалга оширилган бўлса, шак-шубҳасиз, уларнинг бошида партия фаоллари туришибди. БПТ раисиди муомала маданияти, чин инсонийлик фазилатлари муассасам, десак асло хато қилмаймиз. Раҳбарлик соҳасида узоқ йиллар ишлагани учунми, маҳалла аҳлининг дарду ташвишларини қалбдан ҳис этади. Аслида босиқ кўринса-да, вужудида ёшларга хос жўшқинлик мавжуд.

Таъкидлаш жоизки, партия фояларини кенг тарғиб қилиш, омма ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтиришда Баҳром Сафаров, тадбиркор Мастура Қаҳқорова, маҳалла фаоли Адолат Шарипова, Гулшан Камолова ва бошқаларнинг ҳиссаси катта бўлаяпти. О'zLiDeP ўрта синф вакилларига таяниб, аҳоли барча қатламлари манфаатларини ифодалаш ва химоя қилиши аён ҳақиқатдир.

Ҳозирги кунда маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 60 нафарга яқин тадбир-



Ислохотларнинг ҳозирги босқичида партия аъзолари ва фаоллари зиммасига алоҳида масъулият юклатилган. О'zLiDeP Қўшқўпир туман кенгаши ана шу талабдан келиб чиқиб, партия дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш йўлида ибратли ишларни амалга ошираяпти. Бошланғич ташкилотлар фаолиятини жонлантириш, улар сафларини фидойи, жонкуяр кишилар ҳисобига кенгайтириш диққат марказида турган масалалардан биридир.

Олдинги сафда

■ Дониёр КАМОЛ, «XXI asr» мухбири

Бу борадаги сабъ-ҳаракатлар ўз самарасини бераёпти. Корхона, ташкилот, муассаса ва маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида ташкил этилган кўйи бўғинлар сон ва сифат жиҳатидан мустаҳкамланмоқда.

Буни Назира Маткаримова етакчилик қилаётган 4 сонли маҳалла фуқаролар йиғини бошланғич партия ташкилоти мисолида ҳам кўриш мумкин. Фаолларнинг асосий эътибори жойларда О'zLiDeP фояларини кенг тарғиб қилиш, ташвиқот ишларининг самарадорлигини оширишга қаратилган.

Айни пайтда йиғин ҳудудида 2899 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шундан 1491 нафари аёллардир. 588 та оила ўзаро аҳилликда ҳаёт кечирмоқда. Тўй-маъракаларда ҳамма бир-бирига яқин ёрдамчи, елкадош.

— Эзгулик ва саховат миллатимизга хос бўлган хусусиятдир, — дейди Назира опа. — Кундалик ҳаётда бунга мисоллар кўп. Маҳаллаимиздаги кам таъминланган оилалар катта эътибор ва ғамхўрлик билан қуршаб олинган. Яқинда саховатпеша кишилар томонидан 38 та оилга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилганлиги фикримиз исботидир.

Таъкидлаш жоизки, маҳалла фуқароларидан 23 нафари ўз тақдирини бевосита партия фаолияти билан боғлаган. Фаоллар ташаббуси билан турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб турилади. Энг муҳими, уларда аҳолининг кенг иштироки таъминланмоқда. Аз-Замахшарий номили маданият ва истироҳат боғи ҳамиша ғажум. Бу ерда ўтказилаётган "Энг ибратли оила", "Энг соғлом оила" спорт мусобақаси, "Мен бўлгуси онаман", "Қайнонам — онам менинг" мавзудаги ҳаётий тадбирлар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотаяпти.

Бошланғич партия ташкилотининг ташаббуси ва ёрдами билан айни кунда 12 нафар аёл касаначилик билан шуғулланмоқда.

Ватан маҳалладан бошланади. Мустақиллик шарофати билан ушбу маҳалла ҳам кун сайин чирой очмоқда. Кейинги йилларда 2 та гузар, замонавий савдо маркази, чойхона, новвойхона, маиший хизмат уйи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ундан ортиқ миллат вакиллари аҳил ва тотув ҳаёт кечирмоқда.

— Олдимизда турган асосий вазифа — партия фояларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, ёшлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, ишсизлик муаммосини ҳал этишга яқиндан кўмаклашидир, — дейди етакчи. — Бу эса кундалик фаолиятимизга нисбатан катта масъулият билан ёндашишни, давр билан ҳамқадам бўлишни тақозо этади. Зеро, юксак номга муносиб бўлиш ҳар биримизнинг муҳим бурчимиздир.

O`ZLiDeP ODIMLARI

Келажак бугундан бошланади

— дейди O`zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши ёшлар билан ишлаш бўлими мудир Ферица МАҚСАДКУЛОВА

Айни кунда вилоятда 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган 482 минг 732 нафар йигит-қиз истиқомат қилади. Шундан 7 минг 383 нафари O`zLiDeP аъзосидир. Сафларимиз кун сайин мустақамланмоқда. Бу борада вилоят, шаҳар ҳамда туман кенгашилари қошидаги ёшлар билан ишлаш бўлими томонидан жойларда ўтказилаётган семинарлар, учрашувларнинг тасир кучи катта бўлмоқда.

Ўтказилмоқда. Гиёҳандликка қарши кураш куни муносабати билан ташкил этилган тадбир фикримиз исботидир. Тумандаги 25 та бошланғич партия ташкилоти бу борада алоҳида фаоллик кўрсатди.

O`zLiDeP ғояларини ёшлар ўртасида кенг тарғиб



■ Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ, «XXI asr» мухбири

“Ёшлар клуби” фаолиятини жонлантириш ҳам кун тартибда турган муҳим масалалардан биридир. Билдирилган таклиф ва мулоҳазалар O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитасининг тегишли бўлимига ёзма турилибди. Таъкидлаш жоизки, Сарийосиё, Бандихон, Шўрчи туманлари ва Термиз шаҳрида ёшлар билан ишлаш борасида ибратли тажриба тўпланган. Уни кенг оммалаштириш, ғоявий-сиёсий тарбияни кучайтириш чоралари кўрилмоқда.

Шўрчи тумани ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак. Туман кенгашининг ёшлар билан ишлаш бўлими ҳамда бошланғич партия ташкилотлари ўртасида яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жумладан, туман кенгаши ташаббуси билан шу йил май ойида “Шўрчидонмахсулотла-

ри” акциядорлик жамиятининг Амир Темур номли ўйингоҳида ўтказилган форумда 10 минг нафардан зиёд йигит-қиз иштирок этди. Пойтахтдан таклиф этилган таниқли санъаткорлар кизиқарли концерт дастурини намойиш этдилар. Тадбир сўнггида мактаб битирувчиларидан бир гуруҳи қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Юрт ободлиги кўнгил ободлигидан бошланади. Партия туман кенгаши Холматов номли маданият ва истироҳат боғини ўз оталигига олган. Узоқ йиллар қаровсиз қолган ушбу боғ фаолларнинг саъй-ҳаракати билан қайта таъмирланмоқда. Уни туман ёшларининг севимли масканларидан бирига айлантириш кўзда тутилган. Кўплаб оммавий тадбирлар ана шу сўлим ғўшада

ТУМАН КЕНГАШИ ТАШАББУСИ БИЛАН ШУ ЙИЛ МАЙ ОЙИДА “ШЎРЧИДОНМАХСУЛОТЛАРИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ АМИР ТЕМУР НОМЛИ ЎЙИНГОҲИДА ЎТКАЗИЛГАН ФОРУМДА 10 МИНГ НАФАРДАН ЗИЁД ЙИГИТ-ҚИЗ ИШТИРОК ЭТДИ.

қилишда “Ишбилармон ўқувчи” кўрик-танловларининг ҳам аҳамияти катта бўлаёттир. Маҳалла бошланғич партия ташкилотлари ўз ҳудудларида жойлашган коллеж жамоалари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйилган. Кўрик-танловнинг на-вбатдаги вилоят босқичи ҳам аввалги йилларга нисбатан кўтаринкилик ва уюшқоқлик руҳида ўтдики, бу, шубҳасиз, ёшларнинг O`zLiDeP

ғояларига нисбатан қизиқиши ортиб бораётганидан далолатдир. Ушбу тадбирда коллежларнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолиб чиққан 22 нафар аълочи ўқувчилари иштирок этишди ва сновдан ўтишди. Ўқувчи-ёшларнинг ҳаётий позицияси, миллий истиқлол ғояларига садоқати, O`zLiDeP фаолиятидаги иштироки ҳамда ишбилармонлик соҳасидаги қобилиятига муносиб

баҳо берилди. Кўрик-танлов якунига кўра, Ангор тумани маиший хизмат касб-хунар коллежи 2-босқич ўқувчиси Ҳабиба Сувонова биринчи, Олтинсой туманидаги санат касб-хунар коллежининг 3-босқич ўқувчиси Маҳфуза Имомова иккинчи ва Термиз шаҳридаги спорт коллежининг 1-босқич ўқувчиси Азиза Ғозиева учинчи ўринларни эгаллаб, партия вилоят кенгашининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди ҳамда танловнинг республика босқичига йўлланма олишди.

Бир сўз билан айтганда, жойлардаги бошланғич партия ташкилотларининг асосий эътибори келажак авлод вакиллари жамиятга муносиб инсонлар қилиб тарбиялаш, уларнинг истеъдодини камол топтириш, ғоявий-сиёсий соҳадаги қўнмақларини такомиллаштиришга қаратилган.

От изини той босар

Шовот туманидаги “Уста Матсафо” фермер хўжалиги раҳбари, O`zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси Шўхрат Удабоев суратига чизгилар

“Уста Матсафо” фермер хўжалиги чорвачиликка ихтисослашган бўлиб, тасарруфида дастлаб 4 гектар экин майдони, 7 бош қорамол бор эди, холос. Техника воситалари етишмас, бунинг устига тузуккина молхонаси ҳам йўқ эди. Хўжаликни ривожлантириш, экин майдонларини кенгайтириш, моллар бош сонини ошириш чоралари кўрилди. Фермер хўжалигига 6 гектар экин майдони қўшиб берилди. Даромадга, қараб буромад деганларидек, ҳосилдорлик ва маҳсулдорлик оша боргани сайин сармоа ҳам кўпайди, бу эса “МТЗ-80” русумли трактор харид қилиш, моллар бош сонини 30 тага етказиш имконини берди.

■ Тузалбой РАҲИМБОВ, «XXI asr» мухбири

Матсафо отанинг саъй-ҳаракати ва ташаббуси билан 2 гектар ерда боғ-роғ ташкил этилди. Хўжалик ишлари анча йўлга тушиб олгач, ота раҳбарлик жилавини ўғли Шўхратга топширди. Чунки у техника ва ер билан тиллаша билар, уйдабурон ва сергайрат йигит эди. Шўнгаям мана, ун йил бўлибди. Ота янглишмаган экан. От изини той босар, деганларидек, ўғил элдошлари ишончини оқлади. Бугунги кунда Шўхрат Удабоев етакчилик қилаётган “Уста Матсафо” фермер хўжалиги нафақат Шовот туманида, балки воҳода ҳам довраг қозонган.

2001 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентини савринли урини эгаллади. “Ташаббус - 2001” кўрик-танлови туман босқичида фермер хўжалиги раҳбари биринчи, вилоят босқичида эса савринли урини эгаллади. Яқинда яна бир хайрли ишга қўл урди. Қишлоқда фойдаланилмай ётган бинони сотиб олиб, уни қайта таъмирлаб, бу ерда ун тегиримини, митти макарон цехи, шунингдек, савдо шохбачаси ташкил этди. Натижада янги иш ўринлари яратилди.

2004 йил фермер хўжалиги ҳаётида ёрқин из қолдирди. Хўжаликка 22,4 гектар қўшимча ер ажратиб берил-

ди. “Ташаббус - 2004” танловини фаол иштирок этган Ш. Удабоев “Энг яхши фермер” йўналиши бўйича туманда биринчи, вилоят босқичида эса фахрли учинчи ўринни олди.

Таъкидлаш жоизки, қаҳрамонимиз фермерликни сиёсий фаолият билан қўшиб олиб бормоқда. Туманда биринчилар қаторида O`zLiDeP сафига кирган эди. Хўжалик ишчилари ҳам унинг изидан эргашдилар. Фермер хўжалигида O`zLiDeP бошланғич ташкилоти тузилиб, Ш. Удабоев яқдиллик билан унинг раислигига сайланди. Бугунги кунда БПТ сафида 11 нафар аъзо бор. Уларнинг бари партиявий бурчини теран англайдиган, фидойи ва тиниб-тинчмас инсонлардир. БПТ раисининг ўзи бу борада намуна кўрсатапти. Уни дехқонлар, чорвадорлар, хусусан, ёшлар ўртасида тез-тез учратиш мумкин. Анвар Едгоров, Қаҳрамон Шарипов, Ҳикмат Удабоев, Гулнора Сапаёзова каби фаоллар партиявий-сиёсий ишларда ўрнатилган.

Фермер хўжалиги “Ташаббус - 2005”, “Ташаббус - 2006” танловларида ҳам иштирок этиб, туман ва вилоят босқичларида ғолиб чиқди. Республика босқичида эса диплом ва “Ғолибликка интилувчан фермер” соврини билан тақдирланди. Танловнинг вилоят бо-



БПТ РАИСИНИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН ТУМАНДАГИ 33-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИГА 283 МИНГ СЎМ, ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТИГА 50 МИНГ СЎМ, КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРГА 300 МИНГ СЎМ, ЕТИМ-ЕСИРЛАР, НОГИРОНЛАРГА ҲАМ 300 МИНГ СЎМ ҲОМИЙЛИК ЁРДАМИ КЎРСАТИЛДИ.

сқичи якуни бўйича O`zLiDeP вилоят кенгашининг Фахрий ёрлиғини қўлга киритди.

Албатта, бундай натижа-ларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ. Фан ютуқлари, илгор тажрибаларга кенг амал қилинаётганлиги туфайли 2004-2005 йилларда пахта ҳосилдорлиги 42,5 - 43,2 центнерни ташкил этди. Фалла еттиштириш бўйича ҳам жорий йилда 65 центнердан дон ҳосили йиғиштириб олинганлиги фикримиз далилидир.

БПТ раисининг ташаббуси билан кўплаб хайрия тадбирлари ўтказилмоқда. Узоққа бормаёлик. Ўтган йили тумандаги 33-умумтаълим мактабига 283 минг сўм, қишлоқ врачлик пунктига 50 минг сўм, кам таъминланган оилаларга 300 минг сўм, етим-есирлар, ногиронларга ҳам 300 минг сўм ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Фермер хўжалиги Хива шаҳридаги 20-Меҳрибонлик

ўйини ўз оталигига олган. Ҳар байрамда тарбияланувчилар учун дастурхон ёзилиб, турли совға-саломлар улашади.

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида бу борадаги тадбирлар аниқ режа асосида олиб борилмоқда. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларига 60 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Кам таъминланган бир хонадонга қорамол туҳфа қилинди. Қишлоқ мактаби биносини таъмирлаш учун 100 минг сўм пул ажратилди.

— Давлатимиз раҳбари томонидан 2006 йил 3 мартда қабул қилинган “Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларига қорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 308 сонли қарори биз учун айнаи муқаддас бўлди, — дейди Ш. Удабоев. — Қарордан руҳланиб, хўжалик таркибида йирик

чорвачилик мажмуасини барпо этишга киришдик. Айни вақтда 150 молга мўлжалланган замонавий ишоот қурилиши жадал олиб борилаёпти. Унинг лойиҳаси тажрибали меъморлар ва мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган. Мажмуа қошида сут ва суг маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда қадоқлашга мўлжалланган цехлар бунёд этилади.

Дарвоқе, мажмуада асосан насли молларни парваришлаш, уларни бошқа давлатдан, аниқроғи, Украинадан олиб келиш мўлжалланаёпти. Бунинг учун қўшимча маблағ керак, албатта. Фермернинг фикрича, банклардан кредит олиш осон эмас.

Хали-хануз бу борада анча мунча тўсиқлар мавжуд. Лизинг асосида янги замонавий техника воситаларини ҳам харид қилиш керак. Ана шундай ўй-хаёллар билан юрганида, фермерни O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси аъзолари билан бўладиган мулоқотга таклиф қилиб қолишди. Урганчдаги учрашув ҳар икки томон учун фойдали бўлди. 13 июль кунини O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси М. М. Тешабоев ва республика фермерлар уюшмаси раиси С. Қобилов хўжаликка ташриф буюриб, бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишдилар. Мавжуд муаммоларни ҳал этишда фермерга амалий ёрдам кўрсатиш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланди.

O`zLiDeP аъзоси Шўхрат Удабоев фермер хўжалигини янада ривожлантириш, эл-юртга кўпроқ наф келтириш учун куч-ғайрати, билим ва маҳоратини аямаяпти. Партиядош ҳамкасблари қанотига кириб, унга яқиндан кўмак беришмоқда. Зеро, аҳиллик ва яқдиллик бўлган жойда меҳнат самараси ошиб, янги марралар забт этилаверади.

Ҳаётда юксак эътиқодли, изланувчан инсонлар кўп. O`zLiDeP Тўрақўрғон туман кенгашида бўлганимизда Усмоновлар оиласи ҳақида илиқ гаплар эшитдик. Оила бошлиғи Баҳромжон ака, унинг ўғиллари Шаҳоншоҳ ва Худоев битта бошланғич ташкилот ҳисобида туришаркан. Бунақаси камдан-кам бўлади. Янги партия ота-ўғилларни қайси жиҳатлари билан ўзига жалб этдикин?

«Оқсарой» истиқболи

ёки O`zLiDeP бир оиланинг уч нафар аъзосини жипслаштиргани хусусида

■ Одилжон ИНОМОВ, «XXI asr» мухбири

— Дадам салкам 40 йилдан буён тиббиёт соҳасида хизмат қиладилар. Соғлиқни сақлаш аълочиси, олий тоифали врач-стрематолог. Акам ҳам, мен ҳам ота касбини танлаганимиз, — дейди Худоев. — 2005 йилда ўқишни битиргач, “Оқсарой” хусусий поликлиникасида ишлаб бошладим. Кунлардан бир кун дадам қўлимга O`zLiDeP Дастури ва низомини тутқазиб, шундай дедилар:

— Яхшилаб танишиб чиқ. Агар маъқул топсанг, сен ҳам шу партияга аъзо бўлишинг мумкин.

Таклиф қизик эди. Партиянинг дастурий ғоялари, айниқса, мамлакатимиздаги ўрта синф вакиллари манфаатларини химоя қилиш, жамиятнинг эркинлаштириш, ҳуқуқий-демократик давлат қуришга қаратилган эзгу мақсадлари менга ёқди. Фикримни дадамга айтдим.

— Аканг иккимиз ушбу партияни бежиз танламаганимиз, — дедилар дадам. — Энди сен билан уч киши бўларканмиз-да...

Ташаббуснинг қаноти бор, дейдилар. Орадан кўп ўтмай, жамоамиздан яна уч нафар ходим O`zLiDePга аъзо бўлди. Шу тарихда бошланғич ташкилотга асос солинди. Ташкилот раиси ўзимман.

Гапга Баҳромжон ака қўшилади:

— Худоевнинг феълени яхши биламан. Ёш бўлса-да, қатъиятли, эътиқодли бугун йигит. Шу боис, жамият раҳбарлигини ҳам унга топширдим.

Ишонини ва ишонтиришда гап кўп. Айни пайтда масъулияти чекланган жамиятда 2 нафар олий ва 2 нафар биринчи тоифали шифокорлар меҳнат қилишмоқда.

Хусусан, Садоқат Эшондадаев, Толибжон Солибоев, Ёқутхон Йўлдошева каби партия аъзолари аҳоли ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш, O`zLiDeP ғояларини кенг тарғиб қилиш йўлида куч-ғайратларини аямаяптилар. Натижада улар хизмат кўрсатаётган ҳудудда партия тарафдорлари сафи кенгайиб бормоқда.

— Тиббиёт соҳасида биринчилар қаторида хусусий секторда фаолият бошлаганимиз, — дейди Баҳромжон Усмонов. — Албатта, ўшанда осон бўлмаган. Кўплаб кийинчиларни энгиб ўтишга тўғри келди. Бугунги кунда беморларга замонавий тиббиёт ускуналари ёрдамида хизмат кўрсатаётишимиз. Ўзига яраша муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Уларни ҳал этиш ўз қўлимизда, албатта.

Ҳа, муштарак мақсад, ҳамжиҳатлик устувор бўлган жойда муваффақиятлар кўпайиб, ҳаёт янги мазмун касб этаверади. “Оқсарой” масъулияти чекланган жамияти фаолияти бунинг жонли мисолидир.

«Партия хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга ва унинг иқтисодийтадаги ўрнини оширишга алоҳида эътибор беради. Бу соҳа фақат иш ўринлари яратишгина қолмай, айниқса, қишлоқ жойларда аҳоли даромадларининг ўсиши ва турмуш даражасининг яхшиланишига хизмат қилмоғи лозим».

O`zLiDeP Дастуридан.

Илова учун масъуллар:
Носир ТОШЕВ, Темур АБДУРАҲМОНОВ

**ЙИРИК МУВАФФАҚИЯТ АВВАЛ НАЗАРДА
ТУТИЛГАН ВА ПУХТА ЎЙЛАНГАН БЕХИСОБ
ХАРАКАТЛАРДАН ТАШКИЛ ТОПАДИ**

АТИСЛОҲОТ

«Муборакнефтваз»:

Йиллар ва йўллар

Кўкдумалок, юқорида таъкидлаганимиздек, энг йирик конлардан бири бўлиб, мамлакатимизда қазиб олинаётган нефть, газ маҳсулотларининг асосий қисми унинг ҳиссасига тўғри келади. Истиқлол йилларида мамлакат халқ хўжалигининг нефть ва газга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида бу ерда салмоқли ишлар амалга оширилди, газ ва нефтни комплекс тайёрлаш, қатлам босимини ушлаб туришга мўлжалланган махсус насос қурилмаси фойдаланишга топширилди. Газ босимини бир меъёрда ушлаб туриш мақсадида «Келлог» компанияси билан ҳамкорликда барпо этилган йирик компрессор станцияси МДХ мамлакатлари ичида ягонадир.

Зумрад АБРОРОВА, Сайфулла ИКРОМОВ,
Қахрамон ҚҮЛДОШЕВ, «XXI asr» мухбирлари

Давоми. Бошланғич 1-саҳифада.

Ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш ҳамда маҳсулот сифатини яхшилашда СРТДС, «Чанцин», «Ериель», «Лукойл», «Зеромакс», «Истана Каранг Лаут» каби чет эл компанияларининг замонавий ускуналари қўл келаётди, — дейди техника ва ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Нажмиддин Ёқубов. — Йўлдош газларни йиғувчи компрессор станциясини кенгайтириш, юқори олтингуртлури Хаузак, Шоди конларини ўзлаштириш, горизонтал қудуқларни бургулаш, «Келлог» компрессор станциясини модернизация қилиш ишлари ҳам ўзаро ҳамкорликда бажарилмоқда. Корхона мутахассислари хориж мамлакатларида бўлишиб, нефть қазиб олиш жараёнларини такомиллаштириш бўйича ўз билим ва малакаларини оширмоқдалар. Бу, шубҳасиз, ўз самарасини берапти. Корхонамиз раҳбари, ўз касбининг билимдонни Шермат Жўрақулович яқинда Италия, Япония, Испания каби давлатларда бўлиб, нефть ва газ саноати соҳасида амалга оширилаётган замонавий янгиликлар, илғор тажрибалар билан танишиб қайтди. Бугунги кунда у ўрганганларини ҳамкасблари билан ўртоқлашмоқда. Жумладан, яқинда бўлган учрашувда раҳбаримиз қазиб олинаётган маҳсулотнинг сифатини ошириш, мавжуд технологик қурилмаларни такомиллаштириш, ходимларнинг хавфсизлиги ва саломатлигини муҳофаза қилиш ҳақида фикр юритаркан, бу борадаги ютуқ ва камчиликларни кенг таҳлил қилди. Таъкидландики, озгина эътиборсизлик натижасида минглаб тонна хом ашё беҳуда исроф бўлиши ёки бутунлай йўққа чиқиши мумкин. Оддий технологдан йирик корхона раҳбари даражасига кўтарилган бу инсоннинг ҳаёт йўли машаққатларга тўла. Айни кунда кўп йиллик тажрибасига таяниб, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, замонавий технологияни амалиётга кенг жорий этиш, муҳандис-техник ходимлар малакасини ошириш каби масалаларга жиддий эътибор қаратмоқда.


Кези келганда, ихтирочилик ва рационализаторлик тақлифларининг самараси ҳақида ҳам алоҳида тўхталиш жоиз. Муҳандис-техник ходимларимиз яқинда «УзЛТИнефтваз» ОАЖ жамоаси билан биргаликда Жанубий Кемачи конида йилга 2 миллиард кубометр суюқ углеводород тайёрлаш қувватига эга бўлган қурилмани синовдан ўтказишди. Унинг иқтисодий фойдаси юқори бўлаётди. Айни кунда «Келлог» компрессор станциясини реконструкция қилиш ишлари жадаллик билан олиб боришмоқда. Қазиб олинаётган хом ашё микдорини ошириш, сифатини яхшилаш мақсадида Харьков шаҳридаги «Трубагаз»

ОХЖ томонидан ишлаб чиқарилган техник жиҳозлар ўрнатилаёпти. Қурилиш-монтаж жараёнида «Муборакнефтвазга» АЖ, «Бу-хоросаноатқурилиш» АЖ ҳамда «Муборакнефтваз» УШК таркибидаги Кўкдумалок конлари мажмуасининг миндан ортиқ қурувчилари, шу жумладан, 12 нафар украиналик мутахассислар ҳам иштирок этишаёпти.

Юқори иш унумдорлигини таъминлашда муҳандис Шариф Холдоров, назорат ўлчов-автоматика хизмати бошлиғи Язғанкул Назаров, шунингдек, малакали мутахассислар Илхом Турсунов, Азамат Шоймардонов, Фолиб Хўжақулов, Жавҳар Абдуллаев, Жуманазар Муҳаммадиев, Исмат Қобилов, Дилмурод Курбоновнинг хиссаси қатъа бўлаётди. Ушбу иншоот фойдаланишга топширилган, қазиб олинаётган маҳсулот микдорини бир кеча-кундузда 300 тоннага кўпайтириш имкони туғилади.

Корхона 4500 кишига ризқ-насиба улашади. Уларнинг унумли меҳнат қилишлари, кўнгилли ҳордиқ чикаришлари учун барча шароит яратилган. Ишчи-хизматчилар тез-тез малакали тиббий кўриқдан ўтказиладди. Уларнинг сиҳат-саломатлиги ҳақида алоҳида гамхўрлик кўрсатилмоқда. Жумладан, бу йил 163 нафар киши республикамиз ҳудудидаги «Турон», «Чинобод», «Мохи хоса», «Мироки», «Чортоқ», «Газчи» сиҳатгоҳларида дам олиб ва даволаниб қайтишди. Китоб туманида корхонага қарашли «Еш алангачи» болалар оромгоҳи жойлашган. Унинг эшиклари жамоа аъзоларининг фарзандлари учун ҳамиша очик. Бу ерда ўғил-қизларнинг кўнгилли ҳордиқ чикаришлари, спорт билан шуғулланишлари учун барча имконият мўҳайё. Сечанқўл ва Денгизқўл ёёти янги дам олиш хавзалари барпо этилмоқда. Корхонада узок йиллар ишлаб, нафақага чиққан фахрийлар, саломатлиги ёмонлашган ногиронлар алоҳида гамхўрлик билан қўриқиб олинган. Қасаба уюшма кўмитаси ва фаоллар уларнинг ҳолидан тез-тез хабар олишиб, совға-салом улашади, муаммоларини ҳал этишга яқиндан ёрдам беришади. «Хомийлар ва шифокорлар йили» муносабати билан тегишли соғломлаштириш тадбирлари ишлаб чиқилган. Барча кон ва цехлардаги тиббиёт пунктлари зарур дори-дармон, малакали мутахассислар билан таъминланган. Жамоада O'zLiDeP аъзолари кўпчилики ташкил этади. Уларнинг гоъвий-сиёсий савиясини оширишда партия нашри — «XXI asr» газетаси муҳим аҳамият касб этаётди.

— Бугунги ислохотлар жараёни олдимизга янги талабларни қўймоқда, — дейди «Муборакнефтваз» унитар шўба корхонаси бошлиғи, O'zLiDeP аъзоси Шер-



— БУГУНГИ ИСЛОХОТЛАР ЖАРАЁНИ ОЛДИМИЗГА ЯНГИ ТАЛАБЛАРНИ ҚЎЙМОҚДА, — ДЕЙДИ «МУБОРАКНЕФТГАЗ» УНИТАР ШЎББА КОРХОНАСИ БОШЛИҒИ, O'ZLIDER АЪЗОСИ ШЕРМАТ ШАМСИЕВ. — ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН ОЛТИ ОЙИ МОБАЙНИДА ҲАР КЕЧА-КУНДУЗДА 64 МИНГ ТОННА ОРТИҚЧА КОНДЕНСАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА МУВАФФАҚ БЎЛДИК. ШУНИНГДЕК, 107 ТА ҚУДУҚ КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАНДИ. 36 ТА ҚУДУҚ ГАЗЛИФТ УСУЛИГА ЎТКАЗИЛГАНЛИГИ БОИС, ОЛИНГАН САМАРА ЮҚОРИ БЎЛИБ, 430 ТОННАНИ ТАШКИЛ ЭТДИ. 100 ТА НЕФТЬ ВА ГАЗ ҚУДУҚЛАРИГА КИСЛОТАЛИ ИШЛОВ БЕРИЛДИ. НАТИЖАДА ҚАЗИБ ОЛИНАДИГАН МАҲСУЛОТ МИҚДОРINI ИККИ ҲИССА ОШИРИШГА ЭРИШДИК.

мат Шамсиев. — Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида ҳар кеча-кундузда 64 минг тонна ортиқча конденсат ишлаб чиқаришга муваффақ бўлдик. Шунингдек, 107 та қудуқ капитал таъмирланди. 36 та қудуқ газлифт усулига ўтказилганлиги боис, олинган самара юқори бўлиб, 430 тоннани ташкил этди. 100 та нефть ва газ қудуқларига кислотали ишлов берилди. Натжида қазиб олинадиган маҳсулот миқдорини икки хисса оширишга эришдик. Зеварда ва Помук конлари қурилмасида газни совутиш радиаторлари ўрнатилганлиги туфайли бир кеча-кундузда

7 тонна кўп конденсат ишлаб чиқарилмоқда. «Умид» ва «Жанубий Кемачи» қудуқларига хом конденсатни «тутиб» қолувчи сепараторлар ўрнатилди. Корхонага қарашли объектларнинг йил бўйи узлуksиз, бир марола ишлашни таъминлаш мақсадида нефть ва газ қувурлари, резервуарлар, буг қозонлари, сув, энергия, иссиқлик таъминоти иншоотлари ҳамда мавжуд қурилмаларнинг технологик тизимлари капитал таъмирдан чиқарилиб, тўла шай ҳолга келтирилди. Кенжа нефт кони, Гирсан, Қаландар, Чандир, Жанубий Аалан, Жарчи газ конлари-

да янги қувватларни босқичма-босқич ишга тушириш режалаштирилган.

Йилнинг ўтган даври мобайнида 11491500 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Ички захиралар ҳисобига Арнийёз конида бир кеча-кундузда 150 тонна нефть тайёрлаш қувватига эга бўлган қурилма фойдаланишга топширилди. 592,3 миллион сўм маблағ иқтисод қилиб қолинди. Жанубий кемачи конида амалга оширилган техник янгиликлар ҳам эътиборга молик. Тежалар жами маблағ 2860 миллиард сўмини ташкил этапти. 22 километр узунликдаги Жанубий Кемачи - Зеварда-Коровулбозор нефть қувури фойдаланишга топширилди. Йил охирига қадар газ сифатини яхшилаш, қўшимча газ конденсати олишга ихтисослашган янги совутиш ускуналари ўрнатиш, Самартепа конини фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда. Зеварда, Помук, Денгизқўл конларида сиқув компрессор станциялари барпо этилади, 9 та янги кон маҳсулот бера бошлайди.

Мустақиллик — улугъ неъмат. Истиқлол туфайлигина биз ер ости бойлиқларимизни эркин тасарруф этиш, мамлакат тараққиётини жадаллаштириш имкониятига эга бўлдик. Бу билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Корхонамиз жамоаси ҳам шонли байрамни муносиб қутиб олиш учун қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Цехлар ўртасида меҳнат беллашуви кенг йўлга қўйилган. Зеро юрт бойлигини кўпайтириш, халқ бахт-саодати ва фаровонлигини таъминлашга муносиб хисса қўшиш жамоамиз аъзоларининг эзгу мақсадидир.

Термиз шаҳрида «Худудий оммавий ахборот воситалари муаммолари ва ривожлантириш истиқболлари» мавзуига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Уни Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоатчилик жамғармаси ҳамкорликда ташкил этди.

Долзарб масала муҳокамаси

Ўз мухбиримиз

Тадбирда вилоят, туман ва тармоқ газеталарининг муҳаррирлари, матбуот ва ахборот агентлигининг вилоят худудий бошқармаси вакиллари иштирок этишди.

Семинарни Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Сурхондарё филиали раҳбари, иқтисод фанлари номзоди А. Тошқулов қисқача кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти лойиҳа раҳбари Қ. Жўраев, Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоатчилик жамғармаси раиси Ж. Ҳакимовнинг маърузалари тингланди.

Айни пайтда Сурхондарё вилоятида 32 номда газета ва журнал нашр этилмоқда. Улар воҳа янгиликлари, жамиятда юз бераётган ўзгаришлар, ҳодисаларни ўқувчиларга етказишда муҳим ўрин тутмоқдалар. Бироқ ушбу нашрларни чоп этиш билан боғлиқ муаммолар ҳам борки, уларнинг ечимини топиш шу куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Масалан, уларни маблағ билан таъминлаш ва журналист кадрлар топиш тахририятларни ташвишга солмоқда. Шунингдек, вилоятда замонавий усулдаги босмахона йўқлиги боис, қатор газеталар Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида чоп этилаётди. Термиз шаҳридаги босмахона хусусийлаштирилиб, ўрнида меҳмонхона ташкил этилганлиги туфайли вилоят марказида тайёрланган газеталар Денов туманида босиб чиқарилаёпти.

Анжуманда, шунингдек, айрим нашрларни турли кроссворд, реклама ва ТВ дастурлари эгаллаб олаётгани, танқидий материалларнинг таъсири сезилмаётгани ва куннинг долзарб муаммолари талаб даражасида ёритилмаётгани ҳам алоҳида таъкидланди.

Жойларда ернинг ҳақиқий эгалари — фермерларга қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар моҳиятини янада чуқурроқ тушунтириш, уларнинг фаоллигини ошириш мақсадида ташкил этилаётган мулоқотлар давом этмоқда.

Фермерлар учун ОЧИҚ МУЛОҚОТ

А.ОРТИКБОЕВ, Ўза мухбири

Эллиққалъа туманидаги фермер хўжаликлари аъзолари иштирокидаги учрашувга солиқ ва банк тизими, барча хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар раҳбарлари, қишлоқ хўжалиги мутахассислари тақлиф этилди. Очiq мулоқот асносида фермерларга мамлакатимизда янги қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг моҳияти, айниқса, солиқ ставкалари, банк хизмати, сувдан фойдаланувчилар уюшмаси фаолияти, кимёвий ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш материаллари таъминоти, МТП, биологатория хизмати хусусида аниқ маълумотлар берилди.

Тумандаги 950 фермер хўжалигининг етти юздан ортиги пахтачилик билан шуғулланади. Улар 12 муқобил машина-трактор парки, 12 сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, 12 кимёвий ўғитлар таъминоти шохбачаси, 11 мини-банк, 10 ёнилғи-мойлаш материаллари шохбачаси, 7 биологатория хизматидан фойдаланади. Етти жойда фермерлар учун маслаҳат марказлари ташкил этилган.

Уч кун давом этадиган мулоқотлар чоғида тумандаги барча фермерлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб оладилар.

КИМОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Банклар ассоциацияси Аукцион савдоларини ташкил этиш агентлигининг Сурхондарё вилоят филиали 2006 йилнинг 4, 5, 6 сентябрь кунлари ўтказиладиган навбатдаги кимошди савдосига Сурхондарё вилоят ДАТ «Асакабанк»и тутғиш бошқарувчиси тақдим этган қуйидаги мулкларни савдога қўяди:

1. Термиз шаҳридаги Алишер Навоий кўчаси ёқасида жойлашган «Семург-Шерзод» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмасининг икки қаватли биноси ва асосий воситалари.

Бошланғич баҳоси — 153 миллион 220 минг 283 сўм.

Харидорлар савдо бошланишидан уч кун олдин УБМ Сурхондарё филиали аукцион савдоларини ташкил этиш агентлиги ҳисоб рақамига мулк бошланғич нархининг 10 фоизи микдориди гаров пули тўлашлари шарт.

Х/р: 20208000404277899010, «Ипотекабанк» Термиз шаҳар бўлими, МФО 00356.

Мурожаат учун манзил: Термиз шаҳри, Тадбиркорлар маркази биноси, 2-қават, 10-хона. Телефон: 222-81-09, 226-83-21.

САНОАТ

СЕМИНАР

УЧРАШУВ

ЭЪЛОН

ФАҚАТ бир томон айбдор бўлганда эди, жанжал бунчалик узоқ чўзилмасди

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ЯҚИН ШАРҚ

Боши берк кўча

ундан фақат мураса йўли билан чиқиш мумкин, ХОЛОС

Дунёнинг энг қайноқ, оловли нуқтаси — Яқин Шарқда уч ҳафтадан бери давом этаётган куролли тўқнашувлар жаҳон афкор уммасини жиддий таъшишга солаётир, десак муболаға қилмаган бўламиз. Ўғирлаб кетилган ҳарбийларни қайтариш учун куч ишлатишга ўтган Исроил самолётлари Ливан ҳудудини ҳаводан бомбардимон қилиб, ўқ-дори захиралари, “Ҳизбуллоҳ” базалари жойлашгани тахмин қилинган ерларнинг кулини кўкка совурмоқда. Ўз навбатида “Ҳизбуллоҳ” йўллаётган ракеталар Исроил шаҳарларига, хусусан, катталиги жиҳатидан учинчи ўринда турадиган санаот шаҳри — Хайфага ҳам жиддий талофатлар етказди. Уруш бошланганидан бери бу шаҳарга бир ярим мингдан зиёд ракета келиб тушганлигини эътиборга олсак, унинг кўламини тасаввур қилиш мумкин бўлади.

■ Кахрамон КҮЛДОШЕВ

Аммо талофатларга қарамай, ҳар икки томоннинг ҳам тинч, беғуноҳ одамлари, айниқса гўдаклар ва аёллар қурбон бўлаётгани ачинарли ҳолатдир. Бундан ташқари, кўрилатгани моддий зарар ҳам тинч аҳолининг эртанги кундан умидсизликларини оширмоқда. Мутахассисларнинг тахминича, Исроил қўрган моддий талофат айна пайта келиб бир миллиард, Ливанники эса тўрт миллиард доллардан ошиб кетди. Исроил томонидан қурбонлар сони 50 нафарга етган бўлса, Ливанда бу рақам 850 нафарга яқинлашди қолди. Бошқача айтганда, бу 1975-1989 йилларда ҳукм сурган фуқаролар урушидан сўнг мамлакатни тиклаш учун сўнги ўн йилликда сарфланган 50 миллиард доллар миқдоридиғи сармоа зое кетди, деганидир. Яқин Шарқнинг банклар ва савдо маркази — Ливан вайронага айланди. Мамлакатнинг асосий даромади бўлмиш сайёҳлик тармоғи издан чиқди. Ливаннинг диққатга тазовор жойлари билан танишиш учун келиш истагида бўлган 1 миллион 600 минг кишининг орзуси ушаламай қоладиган бўлди. Экспертларнинг фикрича, агар уруш чўзилса, мамлакат қўзланган 6 фоизли иқтисодий ўсишга эриша олмайд.


Иқтисодчи Марван Искандарнинг сўзларига қараганда, иқтисодиёт икки миллиард доллар йўқотади. Демак, Ливаннинг 35 миллиард доллар миқдоридиғи ташқи қарзини тўлаш янада қийинлашади.

Ўз навбатида “Ҳизбуллоҳ” ракеталари нишонга олаётган Исроилнинг Хайфа шаҳри ҳам шундай ҳолатга тушган. Шу кунларда “Шарпалар шаҳри” номини олган Хайфани одамлар тарк этмоқдалар.

Хуллас, кузатувчилар Яқин Шарқда ҳақиқий уруш, ҳеч кимнинг, ҳатто АҚШнинг манфаатларига ҳам жавоб бермайдиган уруш бошланганини бир овоздан таъкидламоқдалар. Бундан ташқари, мазкур можаро Қўшма Штатларнинг минтақадаги аҳолини мураккаблаштиришга, яъни мусулмон оламида Америкага қарши кайфиятнинг кучайишига, “Ҳизбуллоҳ” мавқеининг мустаҳкамланишига, Эрон ядровий дастуридан эътиборини чалғитишга, минтақадаги АҚШга дўст давлатлар ҳукуматлари фаолиятининг мураккаблашувига хизмат қилмоқда, дейиш мумкин. Шу ўринда халқро кузатувчи ва

тахлилчиларнинг Исроил пидеа кўшинлари катта талофат қўриб, Бинт-Жибалдан чекингач, тинч аҳолидан ўч олишга киришди, деган хулосалари таъшишли ҳолатдир. Исроил ҳарбий-ҳаво кучларига қарашли самолётларнинг Кана шаҳридаги қўпқаватли уйлاردан бирига бомба ташлаши оқибатида камида 60 киши, шу жумладан, 27 нафар гўдак қурбон бўлганлиги айтилмоқда. Шундай бир пайтда Исроил бош вазири Эхуд Ольмерт ҳарбийлар қилмишидан афсусланмай, уруш “Ҳизбуллоҳ” радикал гуруҳи тор-мор қилинмагунча давом этишини таъкидлади. Шу ўринда бироз тарихга назар ташлаш ўринлидек туюлади. Бундан 10 йил муқаддам ўтказилган амалиёт чоғида БМТ кузатувчилари базаси ўққа тутилгани ва халқро ҳамжамиятнинг ҳарбийлари паноҳидаги 105 нафар тинч фуқаро ҳалок бўлгани кўпчиликнинг ёдидан кўтарилгани йўқ. Бу галги фожиа байрутликларни ғазабланишга мажбур этди. Кўпминг кишилик оломон миллий байроқ ҳамда шиалар гуруҳининг рамзаларини кўтарган ҳолда БМТнинг Ливандаги ваколатхонасини вайрон қилди. Бу — фожиага сукут сақлаб турган БМТ ва Америкага нисбатан нафрат белгиси эди, дея изохламоқда кузатувчилар. Мамлакат расмийларининг фожиага муносабати кескин бўлса-да, дипломатик қоидалардан четга чиқмаётганлар. Ливан бош вазири Фуад Сийбора Исроил ўт очишни дарҳол тўхтатмаса, Байрут можарони барқарорлаштиришга қаратилган уч-рашувларда қатнашмаслигини билдирди. Байрутнинг Исроилдан Ливанга боришга ҳозирланаётган АҚШ давлат котиби Кондолиза Райснинг қабул қилишдан бош тортиши эса, Яқин Шарқ масаласида қўш стандартлар дипломатиясининг йирик мағлубияти сифатида баҳоланди, дейиш мумкин.

“Мутлақо айбсиз одамлар, жумладан, аёллар ва болаларнинг қурбон бўлишига олиб келган зўравончилик ҳақидаги хабардан ларзага келдим”, — дейди Франция президенти Жак Ширак. Европа Иттифоқи раҳбарияти мазкур ҳодисани “кўрkinчи ҳаракат” сифатида баҳолаган бўлса, Исроилнинг ўқ ёмғирлари остида Жанубий Ливанда тинчликпарвар кучлардан тўрт нафари ҳалок бўлган, БМТ раҳбариятининг ҳам яҳудийлар давлатидан норозилиги кучайди. Гувохлар-



нинг айтишича, бош котиб Кофи Аннан Исроилнинг БМТдаги элчиси Дан Гилерманга қўл беришдан ошқора бош тортган. Айни воқеалардан кейин Вашингтон ҳам мураса хусусида гапирар бошлади. Қуни-кеча Кондолиза Райс ўт очишни зудлик билан тўхтатиш вақти етиб келганини баён этди. Маълумки, шу пайтгача Вашингтон Исроил ўзини мудофаа қилишга ҳақли, дея можарога бир томонлама ёндашган бўлса, жаҳон телеканалларининг вайроналар остида ҳалок бўлган гўдакларни такрор ва такрор намоиш этиши Оқ Уйнинг Исроил тарафида туришини қийинлаштириб қўйди. Шунинг учун ҳам Райс хоним фавқулодда ярашувга эришиш, БМТнинг янги лойиҳаси ва можарони барқарорлаштириш режаси хусусида гапирар бошлади. Бироқ икки-уч кун ичида ярашувга эришилган тақдирда ҳам бу Исроил ва АҚШ фойдасига бўлмайд.

Таҳлилчилар, натижа қандай бўлишидан қатъий назар, уруш ғолиби мусулмон оламида агрессорга қарши кураш рамига айланган “Ҳизбуллоҳ” бўлишини таъкидламоқдалар. Зеро, Исроилнинг Ливандаги кампанияси Сурия ва Эроннинг минтақадаги мавқеи кучайишига, мўстадил араб мамлакатлари — Миср, Иордания ва Саудия Арабистонидаги экстремистик ташкилотларнинг фаолашувига олиб келди, холос. “Нью-Йорк Таймс” газетасининг ёзишича, Ироқдаги уруш каби Вашингтоннинг Ливан—Исроил можаросига аралашуви минтақадаги вазиятнинг чигаллашиши, халқро ҳамжамиятнинг АҚШга қарши нафрати кучайиши, унинг Европадаги иттифоқчилари билан шундоқ ҳам кескин муносабатлари янада ёмонлашувига олиб келади.

Экспертларнинг фикрича, Исроил 3-4 ҳафта уруш олиб бориш имкониятига эга, хо-

лос. Ундан кейин ички сиёсий келишмовчилик ва иқтисодий инқироз хавфи кучайиб кетади. Маълумки, 1982 йили Ливанда 40 кун давом этган уруш пайтида Исроил валютаси уч баробар қадраб кучайиб қолган. Демак, Яқин Шарқ муаммоларини барбир музокаралар столи атрафида барча томонларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ечиш йўли мавжуд. Бунинг учун Исроил ўт очишни тўхтатиши, ливанлик асирлар ва маҳбустларни озод қилиши, “Ҳизбуллоҳ” Исроил шаҳарларига ракета йўллашга чек қўйиши лозим бўлади. Асирга олинган яҳудий аскарларнинг қайтарилиши, минтақадаги тинчликпарвар кучлар жойлаштирилиши, энг муҳими — Яқин Шарқ можароларининг барча йўналишида, хусусан, Исроил-Фаластин йўналишида тинчлик музокаралари давом эттирилиши керак.

Баъзи кузатувчиларнинг фикрича, Исроилнинг бунчалик кенг миқёсдаги операцияси унинг энг яқин иттифоқчиси — Қўшма Штатлар ҳоҳиши билан олиб борилаётган бўлса, ажабмас. Чунки Вашингтон вазиятдан фойдаланган ҳолда Исроилнинг қўли билан заиф Ливанни “Ҳизбуллоҳ”дан тозалашни, шу билан бирга Байрутнинг яна Сурия таъсирига тушмаслиги ва Эронни қўчатиб қўйишни, яъни Яқин Шарқ минтақасида ўз мавқеини кучайтиришни мақсад қилган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки АҚШ расмийларининг ҳар бир баёнотида “Исроил “Ҳизбуллоҳ” террорчиларидан ўзини ҳимоя қилишга ҳақли”, “Ҳизбуллоҳ” кучларини яқсон қилиш ҳуқуқини берувчи механизмларни излаб топиш ва Исроилга қурол-аслаҳа, ўқ-дори етказиб беришга ҳам ҳаракат қилаётти. Қуни-кеча Британия ташқи ишлар ва-

зири Маргарет Беккет АҚШнинг шу мақсадда Шотландиядаги аэропортдан фойдаланишига эътироз билдирди, бу ҳам бўлса, уруш оловини янада аланга олишига қарши кучлар сафи ортаётганини кўрсатади.

Нима бўлганда ҳам ҳозирги уруш минтақа барқарорлигига катта путур етказиши тайин. Исроилнинг қўли баланд келган тақдирда ҳам вақт ўтиб, бошқа кучлар бош кўтариб чиқмаслигига кафолат йўқ. Чунки 1982 йили Исроилнинг ҳарбий босими остида Фаластин Озодлик Ташкилоти Ливанни тарк этган бўлса-да, унинг ўрнини янада муросасиз ташкилот — “Ҳизбуллоҳ” эгаллаганди. 1983 йилда гуруҳ аъзоларидан бири портловчи модда ортқилиш юк автомашинасини Америка тинчликпарвар кучлари қазармасига ҳайдаб кириб, 241 аскарни йўқ қилгани ҳеч кимнинг ёдидан кўтарилгани йўқ. БМТдек нуфузли тузилма мазкур муаммони ҳал этишда қийналаётган бир пайтда Яқин Шарқнинг осудалигини кутиш қанчалар мантққа тўғри келади, бунга айтиш қийин, албатта. Минтақадаги янги фожиа БМТ тизимлари эскириб, хаста ва кучсиз бўлиб қолгани, бундай ҳолат бутун дунё учун ниҳоятда хатарли эканини яна бир қарра тасдиқлади. Ташкилотни ислоҳ қилиш, унга янги куч ато этиш борасидаги қаҳриқлар бежиз эмаслиги ўз исботини топмоқда.

Хуллас, томонларнинг муросаю мадорга келиши халқро ҳамжамиятнинг ташаббускорлиги ва қатъиятига, минтақада тинчлик ўрнатиш кафолатини олган мамлакатларнинг интилишлари ва ёвлашаётган томонларнинг маърифатни жаҳолатдан устунроқ қўришига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Акс ҳолда жафокаш Яқин Шарқ минтақаси яна узоқ йиллар зиддият гирдобидида қолиб кетаверади.

МЕКСИКА

Президентлик сайлови натижаларини тан олмаётган сўл марказчилар номзоди Андрес Обрадорни қўллаб-қувватлаш учун Мехико кўчаларига 2 млн.га яқин киши чиқди, деб хабар беради Рейтер агентлиги.

Комиссия сукут сақламоқда

Шаҳарнинг марказий қисми ва унга туташиб хибонлар норозилик иштирокчилари билан тўлиб-тошгани боис, автомобиллар ҳаракати тўхтаб қолди. Сайлов комиссияси хулосасига кўра, сайловда ҳукмрон партия номзоди, консерватор Фелип Кальдерон ғолиб чиққан. Бироқ давлат раҳбари лавозимига даъвогарлар ўртасидаги фарқ 0,5 фоизни ташкил этади.



Обрадор 41 млн.та бюллетенни қайтадан ҳисоблашни талаб этмоқда. Рақиб эса овозларни қайта ҳисоблашга зарурат йўқлигини, зеро, тадбир адолатли ва демократик тарзда ўтганини таъкидламоқда. Мехико сайлов комиссияси 31 августга Обрадор талабини маъқуллаши ёки рад этиши керак. Ҳозирча расмийлар жим.

Президент сайлови ғолиби 6 сентябрь куни эълон қилиниши, у 1 декабрь куни лавозимини расман ижро этишга киришиши лозим.

ЕВРОПА ВА АҚШ

Кучли жазирамадан чўчиган Европа мамлакатларининг ҳукуматлари уч йил аввалги шармандалик ҳолатига тушиб қолмаслик мақсадида кўшимча чоралар кўрмоқдалар. Мана, бир неча йилдири, иссиқ ҳарорат Фарбий Европа ва АҚШ учун жиддий муаммоларни кўндаланг қилиб қўймоқда.

Жазирама исканжасида

Бир ойдири, сақланиб турган 40 даражали иссиқ Европа ва АҚШда 100 дан ортқ инсоннинг умрига зомин бўлди. Ҳаво ҳарорати ҳалигача 35 даражадан паства тўшмади. Шунинг учун Францияда сафарбарлик эълон қилинди. 2003 йилдаги жазирамада камида 15 минг киши қурбон бўлганини ёдга олган соғлиқни сақлаш вазири Ксавье Бертран тиббиёт институтларининг талабалари ҳамда нафақага чиққан шифокорларга мурожаат этиб, ҳар қандай лаҳзада ёрдамга келишга тайёр туришни илтимос қилди. Расмийлар айтишларича, Францияда иссиқ уришидан 40 киши ҳалок бўлган, касалхона ва поликлиникалар эса беморлар оқимини камайтира олмаётти.

Қўшма Штатларда эса вазият янада жиддий. Экспертларнинг фикрича, 50 даражали иссиқ ҳарорат шу тарзда кетаверса, Калифорнияда энергетика инқироzi юз бериши муқаррар.

ЭРОН



Венесуэла президенти Уго Чавеснинг Россия, Белоруссия, Қатар ва Эрон давлатларига ташрифи ниҳоясига етди, Чавес жанобларининг Техронга бешинчи ташрифи АҚШ гегемонлигига қарши биргаликда кураш олиб бориш ва нефть-газ соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга аҳдлашган икки давлатнинг ўзаро бирдамлигини яна бир бор намоиш этди.

Маслакдошлар учрашуви

Маҳмуд Аҳмадинаҳод ва Уго Чавес бир-бирларини жуда ҳурмат қилишларини таъкидлаш учун ҳар қандай имкониятдан фойдалана олдилар, дейиш мумкин.

Каракас ва Техроннинг қатор халқро масалаларда ўхшаш позицияларда турганлиги музокараларда ўз исботини топди. Шу кунларда БМТ Хавфсизлик Кенгаши Эрондан ядро дастурини тўхтатишни талаб қилиб, уни сўнги бор оғохлантирди, акс ҳолда бу мамлакатга нисбатан халқро санкциялар қўлланилиши мумкин. Бундай оғир дамларда Венесуэла раҳбарининг ёнма-ён туришини Техрон томони юксак баҳолашни кўп бора таъкидланди. Ўз навбатида Уго Чавес эронлик тadbиркорларни Венесуэланинг энергетика соҳасига сармоа киритишга таклиф этди.

Айни пайтда Эроннинг Венесуэлага киритган умумий сармоялари миқдори бир миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Эрон Нефть вазириги маълумотига кўра, ушбу ташриф доирасида имзоланган икки томонлама ҳужжатлар асосида Эроннинг яқин йилларда Венесуэлага киритадиган инвестициялари миқдори тўққиз миллиард долларга етади.

Утерянный музей истории Узбекистана
кадастровый документ, регистрационный №
2244074552, считать недействительным.

ТАФСИЛОТЛАР

ВОКЕАЛАР,

ХАБАРЛАР,

НУҚТАИ-НАЗАР

СЎНГГИ САҲИФА

МАҚСАД бўлмаса, ҳеч бир ишни кўнгилдагидек бажариб бўлмайди

МУСОБАҚА

Шахматчилар беллашуви

21-28 июль кунлари Тошкент вилоятида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси соврини учун шахмат турнири бўлиб ўтди.

Эътиборли томони шундаки, Ўзбекистон шахмат федерацияси ҳамда O'zLiDePнинг вилоят кенгаши ташаббуси билан ташкиллаштирилган мазкур мусобақа бахслари Қибрай туманининг хушхаво масканларидан бири — "Навбахор" сихатгоҳида ўтказилди. Шундай экан, турнирда иштирок этган 12 нафар шахматчи (8 нафар спорт устаси ва 4 нафар спорт усталигига номзод) мукофот жамғармаси 600 минг сўмни ташкил этган бош соврин учун курашишдан ташқари, бир ҳафта давомида ҳордик чиқариб, соғлиқларини тиклаш имкониятига ҳам эга бўлдилар.

Шухрат ХУЖАЕВ, «ХХI asr» мухбири

Кескин ва мурасасиз ўтган турнирда 19-20 яшар йигит-қизларга қарши бир неча маротаба мамлакат чемпионлигини кўлга киритган 75 яшар Эркин Каримов сингари тажрибали шахматчилар ҳам дон сурдилар.

— Мусобақани ўтказишдан мақсад — машҳур спорт усталари билан ёш истеъдодлар учрашувини ташкил этиш баробарида уларни O'zLiDeP фаолияти билан ақиндан таништиришдан иборат эди, — дейди партия Тошкент вилоят кенгаши бўлими мудири Абдуқодир Болтабоев. — Уйламанки, ушбу турнирнинг иштирокчиларида

яши таассурот қолдирди. Зеро, сихатгоҳга ташриф буюриб, шинам ётоқхоналар ва тўрт маҳал иссиқ овқат билан таъминланган, қолаверса, сауна ва бассейн хизматларидан фойдаланган шахматчиларга вақтларини кўнгилдагидек ўтказиш учун қулай шарт-шароит яратиб берилди.

Бевосита мусобақа натижаларига тўхталадиган бўлсак, энг яши натижа кўрсатган Ўзбекистон эркак шахматчилари терма жамоаси бош мураббийи Фахриддин Сатторов турнирнинг мутлақ ғолиби деб топилди, 200 минг сўм мукофот билан тақдирланди. Иккинчи



ўринни қибрайлик ёш иқтидор эгаси Ёқубжон Холматов эгаллади. Фахрийлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатининг икки катта ғолиби, 65 ёшли Константин Маленичев учинчи натижани кайд этди.

Тақдирлаш маросимида O'zLiDePнинг вилоят кенгаши раиси биринчи ўринбосари Орифжон Шарипов ҳамда Тошкент вилояти Теннис федерацияси президенти Хусан Нурметов ғолибларга пул мукофотлари ва фах-

рий ёрликларни топширишди. Ташкилотчилар ушбу турнирни аниқанага айлантириш ва навбатдаги мусобақаларга чет эллик спортчиларни ҳам жалб этиш режалаштирилганлигини маълум қилдилар.

БИЗНЕС-БАШОРАТ

7-13 август

КҮЙ. Асабингизга таъсир этиши мумкин бўлган душанба кун икки-чиқирларни ҳисобга олганда, ҳафта сиз учун омадли келади. Сешанба кунни яқинларингиздан яхши хабар эшитишингиз ва иш жойингиздан мўмай даромад олишингиз кутилмоқда. Жума кун эса топан-тутанингни кўтариб, бозорга тушасиз.

БУЗОҚ. Юлдузлар «бузоқ»ларга келаётган ҳафтада иккинчи даражали ишларни бир чегга суриб, мазза қилиб дам олишни тавсия этишмоқда. Шундай экан, ҳозирданок муҳим ишларингизни ҳафтанинг биринчи ярмида яқунлаб, мириқиб ҳордик чиқариш учун жой танлашни режалаштиравинг.

ЭГИЗАКЛАР. Ҳамминг ишига аралашавингиз. Зеро, бир ўзингиз барибир атрофдаги барча муаммоларни ҳал этолмайсиз. Аксинча, бор кучингизни фақат ўзингизга тааллуқли масалалар ечимини топишга сарфланг. Жума кунни ҳаётингизга ҳавф этиши мумкин бўлган жойларда юрмасликка ҳаракат қилинг.

ҚИСҚИЧБАҚА. Келаси ҳафта самарали сафар уюштиришингиз кутилмоқда. Ҳафтанинг иккинчи ярмида омадли харидларни амалга оширасиз. Дам олиш кунларини яқин дўстларингиз даврасида, тўкин дастурхон атрофида ўтказасиз.

АРСЛОН. Сешанба кунни рақибларингиз шахсий бизнесингизга жиддий зарба етказишлари мумкин. Шундай бўлса-да, инқироздан қийинчиликсиз чиқиб кета оласиз бўласиз. Уйингизда кичик бўлса ҳам тадбир ўтказишдан аввал меҳмонларни (қариндошлар, ҳамкасблар, кўни-қўшнилар, улфатлар) қаерда ва қачон кутиб олишни ўйлаб қўйинг.

ПАРИЗОД. Чоршанба кун иш жойингизда ҳар томонлама сиқувга олинасиз. Баъзи ҳамкасбларингиз сизни ноҳақ айблашга ҳаракат қилишади. Жума кун эса бир неча ой елиб-юғуриб битирган ишингиз эвазига тузуккина мукофотланасиз.

ТАРОЗИ. Соғлигингизни асранг. Айниқса, тез бузилдиган маҳсулотларни истеъмол қилаётганда, эътиборлироқ бўлинг. Яқшанба кун, яъни ун учинчи августда фарибгар ва товламачилар кўлига тушиб қолмаслик чораларини кўриб қўйинг.

ЧАЁН. Заъв-шаъв ва хурсандчиликка бой ҳафтани ўтказиш бахтига мушарраф бўласиз. Жумладан, душанба кун катта даромад келтирадиган келишувга имзо чексангиз, пайшанба кун анданан бўён кўришмаган дўстингизнинг зиёфатида иштирок этасиз. Ҳафта сўнгидеки антика ҳазинага дуч келишингиз кутилмоқда.

ЎҚОҲА. Ҳафта омадли бошланади. Душанба кун кераксиздек туюлган буюмингизни икки баробар қиммат нарҳда пуллайсиз. Чоршанба ёки пайшанба кун оила аъзоларингиз билан катта санани нишонлашга муваффақ бўласиз. Бироқ дам олиш кунларидеки кайфиятингизни туширадиган воқеа юз бериши кутилмоқда.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Келаси ҳафта сабр-бардошли бўлсангизгина мушук вазиятдан беталофат чиқиб, муаммоларингизни ҳал қила оласиз. Катта аҳамият касб этакдиган ишларни амалга ошириш учун зинҳор душанба ва шанба кунларини танламанг.

ҚОВГА. Ҳафта бошида жиддий ишлар йўқдай туюлади. Аслида эса ишлангиз келмаганидан шундай уйга борасиз. Шу боис энгил-елли бўлса-да, бирор юмуш билан шуғуллангиз. Жуда бўлмаса, китоб ўқиб, дунёқарашигини бойитинг. Шунинг ўзи — катта меҳнат.

БАЛИҚ. Келаси ҳафтада иложи бўлса, соддаликни йиғиштириб, ўзингизни ҳар доимгига нисбатан катъиятликроқ тuting. Акс ҳолда, итоткорлигингиздан фойдаланган таниш-билишларингиз ва яқинларингиз сизни бошқалар олдида уялтириб, уйда ҳам, ишхонада ҳам ҳақ-ҳуқуқларингизни поймол қилишпайди бўладилар.

05-ҲАВО

3-10 август кунлари республикамизда иссиқ ва қуруқ об-ҳаво кузатилади.

Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятларида ва Қорақалпоғистонда ҳарорат ҳафта охиригача кечаси **21+23**, кундузи **+40+42** даража бўлса, янги ҳафтанинг дастлабки кунларида 3-4 даража пасаяди.

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳам кундузлари чиллага хос жазирама бўлиши кутилмоқда. Ҳарорат кечаси **+22**, кундузи **+40+42** даражадан тушмайди. Фарғона водийсида жума ва шанба кунлари ҳарорат **+43+44** даражага боради.

Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳам иссиқ ҳаво сақланиб турса-да, 8-9 август кунлари мазкур ҳудудларда термометр кўрсаткичлари кечаси **+16+18**, кундузлари **+34+37** даражани кўрсатади.

Тошкентда ҳам иссиқ ҳаво сақланиб туради. Ҳарорат кечаси **+19+22**, кундузи **+37+39** даража атрофида бўлади.

«ПАХТА БАНК»
ФАРОВОНЛИКНИНГ ЭЗ КАЛТИДИ

АРМРЕСТЛИНГ

Шанба кун иш оғир вазили армрестлингчилар ўртасида жаҳон чемпионлиги учун бўлиб ўтган жангда ҳамюртимиз Фарид Усмонов россиялик Артем Клименкога 1:2 ҳисобда ютқазиб қўйди.

Жароҳат панд бермаганда...

ИРАА йўналиши бўйича Санкт-Петербургда ўтказилган беллашувнинг биринчи раундида ҳамюртимиз тўлиқ устунликка эришиб, ғалаба қозонганди. Бироқ шундан кейин вакилимиздан омад юз ўгира бошлади. Жумладан, иккинчи раундда челябинский спортчи ҳисобни тенглаштиришга эришди. Устига-устак, учинчи раундда Фарид жиддий жароҳат олди ва жангни тўхтатишга мажбур бўлди. Натижада беш раунд давом этиши керак бўлган мусобақа мuddатидан аввал россиялик полвоннинг техник ғалабаси билан яқунланди.

Моя Мечта
TOSHKENT YOG'U MOYU KOMBINATI

ФУТБОЛ

Урушнинг янги «қурбон»лари



Осиё Футбол конфедерациясининг (ОФК) расмий сайтыда тарқатилган хабарга кўра, футбол бўйича Ливан терма жамоаси мамлакатда ҳукм сураётган нотинч вазият сабабли «Осиё кубоги-2007» мусобақасининг саралаш бахсларида иштирок этмайди.

Гулноза ЮСУПОВА тайёрлади

Маълум қилинишича, сешанба кун Ливан Футбол уюшмаси (ЛФУ) бош котиби Роҳиф Аламах ОФКга расмий мактуб йўллаган. Мактубда терма жамоанинг аксарият футболчилари Ливанда давом этаётган ҳарбий ҳаракатлар оқибатида ўз уйларини тарк этишга мажбур бўлганлари ва уларнинг кўпчилиги ана шу тартибсизликлар сабабли ўз яқинларини йўқотиб қўйганлари айтилган.

«Байрутдаги халқаро аэропортнинг, Ливанни Сурия билан боғлайдиган асосий автомобиль йўлининг ярқисиз ахволга келиб қолиши ва бошқа сабаблар бизнинг Осиё кубоги мусобақаларидаги иштироки мизга тўсқинлик қилди», дейилганди мактубда.

Мазкур вазиятга ойдинлик киритиш мақсадида ОФК Қуала-Лумпурдаги қароргоҳида ўзининг навбатдан ташқари мажлисини ўтказ-

ган бўлса-да, бу борада ҳозирча бошқа ҳеч қандай расмий баёнот тарқатгани йўқ.

Дарвоқе, саралаш босқинининг «D» гуруҳи иштирокчиси сифатида Кувайт термаси билан бир марта дуранг натижани кайд этган ливанликлар 16 август кунли сафарда Бахрайн миллий жамоасига қарши тўп суришлари керак эди.

ЛАТИФАЛАР

— *Панама каналнинг келажаги ҳақида нима дея оласиз? — деб сўрашибди Москвадаги конференцияда қатнашиш учун келган чучкадан.*

— *Афсуски, бизнинг телевизор Панама каналини кўрсатмайди, — деб жавоб берибди чучка.*

Брежнев фазогирларни қабулига қақрибди: — Уртоқлар, — дебди у. — Хабарингиз бор: америкаликлар Ойга чиқшга муваффақ бўлдилар. Энди сиз Кўёнга чиқмасангиз бўлмайди!

— *Леонид Ильич, бунинг иложи йўқ. Кўёшнинг яқинига ҳам йўламай ёниб кетамиз...*

— *Қўрқманг, сиз тунда парвоз қиласиз.*

— *Мана бу йигитча бизнинг фахримиз, — дебди қамоқхона бошлиғи маҳбусни текширувчиларга таништирар экан. — Беш йил аввал биринчи марта келганида ғирт саводсиз эди. Ёзиш ва ўқитиш ўргатган эдик, ўтган йил ҳужжатларни сохталаштиришда айбланиб, яна қайтиб келди.*

O'ZLIDER VA SPORT

«ОСИЁ КУБОГИ-2007»

РЕКЛАМА

«КУЧМАС МУЛК-КЕТМАС ДАВЛАТ»
Маълимат Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, М.Ураббоев Кўчаси, 1-а уй.
Телефонлар: 399-80-26, 136-13-21, 399-80-23, факс: 136-26-26, www.rkmb.uz

Лучшее для Вас от «To'htaniyoz-ota»
TOSHKENT SHAHAR MUNITSI PAL BIRJA MARKAZI
ТАШКЕНТСКАЯ ОБЛ., Г.КЕЛЕС, ПРОМЗОНА. Т.ЕЛ: (371-96) 56-196. E-MAIL: TOHTANIYOZ@RAMBLER.RU

TOSHKENT SHAHAR MUNITSI PAL BIRJA MARKAZI
Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси 16а-уй. Телефонлар: 132-25-51; 133-46-61; Факс: 133-20-74. www.tshmbm.uz; E-mail: info@tshmbm.uz; Birja@mail.tps.uz

MULKDORGA HAMKOR

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

КЕНГАШ РАИСИ
Муҳаммадосиф ТЕШАБОВ

КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ

Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ
Аҳмад ШАДМАНОВ
Ақром АЛИМОВ
Маҳаматжон АҲМЕДЖАНОВ
Муҳаммадилхон ЙЎЛДОШЕВ
Аъзамжон РАҲМАНОВ
Абдуваҳоб ИМОМАЛИЕВ
Бахтиёр ЁҚУБОВ
Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ
Илҳом НАСРИЕВ
Мансур ЗОКИРОВ
Муҳлис АҚРАМОВА
Махмуд САЙДАЛИЕВ
Равшан ОХУНОВ
Раҳматилло КАМОЛОВ
Сирожидин САЙИД
Шухрат НОҒИТОВ
Шухрат ОРИПОВ
Қиёмиддин НАЗАРОВ
Қобилжон ТОШМАТОВ
Туланбой КАРИМОВ
Эркин ТОШЕВ

ТАҲРИРИЯТ

Абдували СОЙБАЗАРОВ
Марк ЮСУПОВ
Зумрад АБРОРОВА
Носир ТОШЕВ
Ориф УЛМАСОВ
Тоҳир МАЛИК
Темур АБДУРАҲМОНОВ
Тоҳир МИРХОДИЕВ
Улугбек ЮСУПОВ
Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА
Холмуҳсин МАМАТРАЙИМОВ
Шаҳзод НАЗАРОВ
Шухрат ОХУНЖОНОВ

МАТН ТЕРУВЧИЛАР

Нигора ЖҲРАЕВА
Замира АҲМЕДОВА

БЎЛИМЛАР

ПАРТИЯ ТУРМУШИ 55-45-08
ИҚТИСОДИЕТ ВА ТАДБИҚОРИК ФАОЛИЯТИ 55-43-57
ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ 132-25-15
АХБОРОТ ВА ТАРБИЁТ ИШЛАРИ 55-70-16
МАЪНАВИЙ, АДАБИЁТ ВА САЪБАТ 55-68-50
ХАТЛАР, ШИКОЯТЛАР ВА ТАҲЛИЛ 55-70-16

Навбатчилар:
Н. ТОШЕВ,
Ш. ХҲЖАЕВ.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида chop этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Буғуртма рақами: Г-1057
Тираж: 11156

PR - тижорат белгиси

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

«ХХI АСР» иқтисодий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2003 йил 18 декабрда 028 рақами билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИРАТ МАНЗИЛИ: Тошкент, «Нукус» кўчаси, 73^а-уй.

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:
ashorot@xaxar.com
XXI_ASR@yahoo.com
XXI_ASR@doda.uz

«ХХI АСР»дан олинган маълумотларда манба сифатида

газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

БОШ МУҲАРРИР
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

ASR
БИЗНЕС ҲАМКОРЛИМИЗ

НОШИРЛИК УЙИ
Т.ЕЛ: 132-14-47, 132-25-15.

Mila PRESS
РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ
Тел:(998-71)151-29-52.
E-mail: milapress@yahoo.com